

Муқаддас Рұх Үзи нима?

...йиғилиш учун озрок. Бу йиғилиш одатдагидан бир қадар фарқ қиласы. Асосан, биз ҳар сафар бу ерга йиғилганимизда, үшандың йиғилишни... касалларни шифоланишлари учун ва эңг зарур мұхтожлар учун ибодат қилишлар билан үтар әди. Мана шунга әльтібор қаратилар әди. Лекин бугун бизлар бу үйғонишни исоннинг жонини, рухини шифоланиши учун бошладик.

Нима бўлганда ҳам, якшанба эрталаб, агар Раббийнинг иродаси бўлса, якшанба эрталаб, якшанба мактаби машғулотларида, касаллар учун ибодат ва навбатдаги қатор шифолар бўлади, агар Раббий йўл берса. Бу ҳафтада эса, кечқурунлари биз жон учун Абадий нарсалар тўғрисида гапирамиз.

² Танамиз шифоланганида бизлар биламиз, барчамиз баҳтиёр бўламиз, чунки биз бундан бизларнинг Худо касааларни шифолашини аниқ биламиз. Аммо шу касал одам, агар анча узоқ яшаса, эҳтимол, яна касал бўлади, мумкин, қайси касалликдан шифолангандан бўлса, худди ўша билан оғриши мумкин, ва бу шифоланишни бутунлай ўчириб ташлоғмайди. Врач зотилжамдан дори бериши мумкин, у эса врач уни соғ деб айтганидан кейин, икки кун ўтиб зотилжамдан вафот этиши мумкин. Бу такрорланади. Аммо жон шифоланса, унда сен ўзингда Абадий Ҳаётга эга бўласан.

³ Ва мен ўйлайман, бизлар Исо Масихнинг Келишига шунчалик яқин турибмизки, шу учун, ҳар бир жонни Шоҳликка келтириш учун, ва Шоҳликни одамларга келтириш учун бизлар руҳимиз билан шифоланишимиз учун, нимаики қилиб биламиз, барчасини бизлар қилишимиз керак. Мен ўйлайман, Исонинг танаси — яъни, Масихнинг ер юзидағи ўша руҳий бадани, у жуда ҳам касал.

⁴ Ва энди, бу кеч сизларни бу ерда жуда узоқ ушлаб турмоқчи эмасмиз, чунки бизларнинг қимматли дўстларимизни ўтиргазиши учун биринчи оқшомни ўзидаёқ жойларимиз етишмаяпти. Бизда янги черковни қурилиши лойиҳаси бор, худди шу ерда, катта чодир, мана шу ерда, ёки Раббий қандай бошқаради, аммо бизнинг билишимизча, шу ерда.

⁵ Ва мана ҳозир йиғилишлар тўғрисида эълон қилдик, чоршанбадан якшанбагача. Аммо ундан кейин якшанбада, рождество таътиллари яқинлашиши билан, аамо бу... қачонки Раббий бизга тўхташни айтади. Биз фақат қандай натижалар бўлишини билмаймиз. Аммо чодиримиздаги шу ерлик имонлилар ва бизнинг биродарлар черковларидан имонлилар, улардан биттаси — бу Утиқдаги муқаддаслар чодири, қайсики унинг пастори Грейем Снэллинг aka ва Нью-Олбанидаги, у ерда пастор — Юний Джексон aka, ва худди шундан шоссе бўйлаб юқорида, у ерда Руделль aka пастор. Биз ҳам улар ҳам шу чодирга биродар черковлар, бизлар ҳаракат қиласы... одамларимизни Масих билан анча яхшироқ мулоқотга элтишга уринамиз. Бу бизларнинг мақсадимиз. Шундай қилиб, мен келаётган бир неча оқшомлар ўқиш ва ўрганиш учун танлаганим...

⁶ Мен бугун: *Муқаддас Рұх нимадир?* — деган мавзуда сўзламоқчиман. Эрта кечқурун бўлса мен: *У нима учун берилган әди?* — деган мавзуда ваъз қилишни хоҳлайман. Ва жума кечқурун... А, ёзиб олишга келсак, мен буни жума кечқурунгি: *“Муқаддас Рұхни қандай олиши мумкин?”* ва *“Мен Унга әгалигимни қандай билоламан?”* мавзуларидаги йиғилишларини ёзиб олишларини хоҳламайман. Ва ундан кейин биз қарайликчи, ундан кейин кўрамиз Раббий бизларни шанба ва якшанбада қандай етаклайди. Ва якшанба эрталаб шифоланиш хизмати ва яна битта хушхабарчилик йиғилиши якшанба кечқурун.

⁷ Энди бўлса ҳар бир киши билишини истардимки,... Ва мен биламан, қўшни хонада магнитофонлар қўшилган ва мана биз ним демоқчи эдик. Чунки бунга ўхшаш йиғилишларда, хушхабарчилик йиғилишларида турли хил деноминация черковларидан одамлар иштирок этади, ва уларнинг ҳар бири ўз таълимоти доирасида ўргатади. Бу яхши. Мен ҳеч қачон биродарлар орасида келишмовчилик экишда айбор бўлишини истамагандим. Ва бошқа жойлардаги йиғилишларда мен фақат Ёзувнинг асосий хушхабарчилик ҳақиқатларини ваъз қиласманки, қайсики бунга менинг йиғилишларимни

ташкыл қилаётган биродарларим ишонадилар. Аммо бу чодирда мен, биз нимага ишонамиз, шуни гапирмоқчиман. Шу учун, агар сиз — агар сиз буни тушунмасангиз, мен сизлардан нима учун биз айнан мана шундай ишонамиз, деган савол билан мактуб ёки кичкина хат олсам, хурсанд бўламан. Ва қўлимдан келганича буни тушунтириш имкониятидан хурсанд бўламан.

⁸ Биласизлар, хар бир черков, агар сизда таълимотингиз бўлмаса, унда сиз черков эмассиз. Сизда бир нима бўлиши керакки, сиз ўша учун турасиз, сиз амал қиладиган принципларингиз бўлиши керак. Ва у одам нимага тегишлилигидан ва унинг деноминациясиға қарамай, агар у одам Худонинг Руҳидан туғилган бўлса, бу менинг акам ва опам, бунга қарамай, у... Биз бошқа нарсаларда фарқ қилишимиз мумкин, шарқ ғарбдан фарқ қилгандай, аммо биз барибир ҳам биродарлигимизча қолаверамиз. Ва мен ўша акамга Масих билан қалинроқ ва яхшироқ юришга эришиши учун ёрдам беришга ҳаракат қилишдан бошқа ҳеч нарса қилмасдим. Ва мен ишонаманки, ҳар бир ҳақиқий, чин Христиан ҳам мен учун худди шундай қилади.

⁹ Энди мен бу чодирдагилардан сўрагандим... шундай қилиб, биз бунда узоқ йиғилиш бўлишлиги учунгина тўхтолмаймиз. Мен буни мағзини чақмоқчиман ва мен сизлардан, биз бунга юрагимизда ва ҳаётимизда бор бўлган ҳамма-ҳаммаси билан ёндашишимиз учун, сизлардан ортингиздаги барча кўприкларни ёқишиларингизни ва ҳар қандай гуноҳни тўхтатишларингизни илтимос қиламан. Биз бу ерга бошқа бир мақсад билан эмас,балки битта мақсад билан келишимиз керак — жонимизни Раббий Келишига тайёрлаш учун. Ва мен айтиб ўтганимдай, мумкин, баъзида мен бирор нимани кимгадир, улар қандай ишонишларига, озроқ қарама-қарши айтаман ёки ўргатаман. Мен баҳслашиш учун келганим йўқ, мен келдим... Бизлар бу ерга Раббий Келишига тайёрланиш учун. Ва мен ўйлайманки, бу кичкина гурӯҳ...

¹⁰ Биламан, бу ерда ҳар турли жойлардан бизларни йўқлаб келган биродарларимиз бор ва уларни кўришдан баҳтиёрмиз. Ва шубҳасиз, аудиторияда қўшни шаҳарлардан келган бошқа одамлар ҳам бор. Ва бизлар сизларни кўришдан хурсандмиз, ва биз сизларни бу ерга етаклаб келган, бизга бўлган севингизни қадрлаймиз. Худо... Ва мен сўрайманки, ҳар бирингиз менинг ака-опаларим, ўларига ўзлари билан бой хазина олиб кетинглар, қайсиники Худо юракларингизга солади.

¹¹ Ва бу кичкина чодирга, мен ўйлайман, ер юзидағи фақат энг ажойиб одамлар келишади. Мен “барча” энг яхши одамлар демадим. Мен айтдимки, ер юзиаги энг яхши одамлардан айримлари бу чодирга келишади, дедим. Аммо кундан-кунга, яна ва яна қайтиб, йиғилишдан-йиғилишга мен бу чодирнинг катта муҳтоҗини қўрятпман, бунга катта муҳтоҗини, тўлишга, ўзини бағиашлашга, янада теран ҳаётга, Худо билан жуда яқин юришга муҳтоҷлигини кўриб турибман. Ва мен уларга буни ваъда берган эдим, мен уларга ушбу Мактубни беришни ваъда берганман. Ва бизлар сизни таклиф қилишдан ва Худонинг Каломи теварагида сизлар билан, биз ўргатишимиш ва айтишга уринаётганимиз бўйича, мулоқот қилишдан хурсандмиз.

¹² Шундай қилиб, биринчи учта оқшом учун ваъз олмаймиз, балки Худо Каломидан ўрганиш учун Мактуб оламиз.

Шундай қилиб, мен ҳеч кимдан, ўзим қилмайдиган ишни сўрамас эдим. Бу ҳафта эса мен учун тўлик, Гўлгота бўлди. Мен хушимдан оғишимга шунчалик яқин эдимки, буни қандай биламан, мен қарийб ўзимдан кетаёзган эдим. Аммо мен ўзимни бутун ихтиёримни ва мен биладиганимни ҳаммасини бутунлай Раббийга бағишиладим

¹³ Ўтган кеча кечаси, ярим кечадан сал кейинроқ, бизлар, хотиним билан бирга ибодат қилдик ва Раббийга айтдик, кичкина скамейкада... олд хонада, иккала очиқ Библия билан, ўзимизнинг шахсий хоҳиш-иродамиз ва барча, ва ҳар бир салбий фикримизни ташлаб юбориш учун, бутунлай хизмат учун ва Раббий Исога хизмат қилиш учун, ўзимизни янгитдан Худога бағишиладик.

Ва мен ишонаман, сизларнинг ҳам муносабатингиз худди шундай, сизлар ҳам шундай қилгансизлар. Ундан кейин биз бугун келган вақтимизда, бизлар одамлар билан муқаддас асосда келамиз, қайсики бу одамлар ибодатлар қилдилар ва рўзалар тутдилар ва

Худодан бирон нима олиш учун ўзларини тайёрлаб, барчасини ўз ўрнига қўйдилар. Ва мен биламан, кимки оч келса, оч ҳолда кетмайди, балки Худо уни Ҳаёт Нони билан тўйғазади.

¹⁴ Энди, Унинг муқаддас Китобидан ўқишдан олдим, келинг, ибодат учун бош эгамиз.

¹⁵ Раббий, бугун мана шу ерда ибодат қилинган эди. Куйланган эди...Сион қўшиқлари Сенинг болаларинг билан куйланди. Рухлари, кўнгиллари уларнинг қўтарилди. Бизлар ҳам бу ёққа, ўзимизни Сенга бағишлаш учун, Сенга бутун қалбимиздан сажда қилиш учун келдик. Ва бизлар Сенга ёлворамиз, Сен тоққа чиқиб ўтирганингда ва Ўз шогирдларингга таълим берганингда, Сен: “Адолатга очу-чанқоқлар баҳлидир, чунки улар тўқ бўлур”, деганингни ёдга ол, Раббий. Сен буни ваъда бергансан, Раббий. Бизлар бугун очиқ юракларимиз билан келдик. Бизлар очу-чанқоқ келяпмиз, ва биз биламизки, Сен Ўз ваъдангда турасан.

¹⁶ Қачонки бизлар Библияning муқаддас саҳифаларини, Ундан ўқишимиз учун очамиз, Муқаддас Рух буни ҳар бир юракка етказсин. Ва бу Уруғ чуқур, бой имонга тушсин, қайсики бу имон Сўзда берилган ҳар бир ваъдани етиштирсин, келтирсин. Бизларни эшит, Раббий, ва бизларни покла, ва бизларни сина. Агар бизда қандайдир нопок нарса бўлса, О Раббий, қандайдир эътироф этилмаган гуноҳ, нотўри бирон нима, ҳозирни ўзида буни очиб ташла, Раббий, ва бизлар ҳозироқ буни тузатамиз, зеро бизлар Раббий Исо Келиши арафасида яшаётганимизни англаяпмиз. О Муқаддас Худо, бугун бизлар Сенинг Соянгга кирдик — Сенинг хукмингдамиз, ва бизлар ўз ҳаётимизда янгидан бағищланиш ва покланиш, ва Муқаддас Рух билан тўлиш учун ялинамиз.

¹⁷ Ўйғонишлар олови сўна бошлаганини кўриб туриб, бизлар Каломнинг бу ўтинларини У янги гулхан ёқиши учун, юракларимиз рашки билан хизмат қилишга тўлиш учун, ташлашга йўл бергин. Раббий, бизларни Ўзингни қимматли Сўзинг ва Ўз Қонинг билан ва Ўз иноятинг билан Муқаддасла, бизлар ёлворамиз. Сенга шукурлар ва шон-шарафлар бўлсин. Юракларимиздан ҳар қандай нотўғри тушунчаларни олиб ташла. О Раббий, бизларни тозала! Сенинг Муқаддас Маконингга ҳар оқшом қувониб ва Сенинг Руғингга тўлиб кира билишимиз учун, бизларга тоза юрак, тоза қўлларни ва тоза ақл-идрок бер. Бизлар буни Исо Масих Исми ҳаки ва Унинг шарафи учун сўраймиз. Омин.

¹⁸ Ҳозир, мен Сўздан ўқимоқчиман. Ва шу вактда... мен ўзингизда Библиянгиз, қаламлар, Ёзув жойини белгилаш учун қоғоз-қаламингиз бўлишини сўрайман. Агар сиз шуни хохласангиз, жуда яхши. Ва энди, бошлаш учун, сизлар Ҳаворийлар фаолиятининг 7-бобини очганингизча; “Муқаддас Рух нимадир?” — деган саволга жавоб бериш учун ёкида саволга бера бошлаш учун.

¹⁹ Ер юзида Худонинг Каломи қилгандай, Иблисни енга биладиган ҳеч нарса йўқ. Исо Ўзининг бую жангига Уни қўллаган эди. У деди: “Ёзилганки...”

²⁰ Ва эрталаб, бир неча кун бурун радио тинглаган пайтимда, у ерда улар айтдиларки, махлуқотлар қандайдир боғловчи чанг, гарддан келиб чиқсан ва ер юзидағи қанақадир фосфатлар ва бир неча химикатлар ва қуёш иссиғи тирик микробни яратди ва ҳаёт пайдо бўлди, дейишди. Қанчалар бемаънилик! Қуёш нури ҳар қандай микробни ўлдирадику! Микробни очиқ қуёш нурида қўйинг, ва у ўша заҳоти ўлади. Ҳеч қандай бундай эмас; аммо шайтон мени бунга ишонтиришга уринди. Ва бундан кейин, бугун эрталаб мен кичкинам Ривқони мактабга элтаётганимда, мен яна радиони ёқдим; аммо мен улар яна ўшани айтсалар керак деб, шу заҳот ўчириб қўйдим.

Ва кўчада кетаётганимда шайтон менга бундай деди: “Сен биласанми-йўқми, бу Одам, сизлар Исо деб айтасизлар-ку, Ўзининг ўша кунларида Билли Грейем ёки Орал Робертсга ўхшаган оддий одам эди. У бир оддий одам эди, Уни атрофида одамлар тўплана бошлади ва Уни буюк Одам деб айта бошладилар, ва тез орада У яна буюк бўлди, ундан кейин эса У улар учун Худо бўлди-қолди. Энди бўлса, Унинг ўлимидан кейин, бу бутун дунёга тарқалиб кетди, мана, бор гап шу”.

²¹ “Ха, сен ёлғончи-ку!” — ўйладим мен. Кейин мен бурилдим, худди ўша Грейем кўчасидан кесиб ўтаётган эдим. Мен бундай дедим: “Шайтон, сен менинг онгимга

мурожаат қиласыпсан, аммо мен сенга бир нечта савол бермақчи әдим. Яхудий пайғамбарлари, бу улар Ким ҳақида айтгандилар, У келиши керак деб? Ким әди мойланган Масих? Ўша, Уни олдиндан күрган, ва Унинг ҳаётини, У бу ерга келишигача, минг йиллар олдиндан айтиб берган ўша одамда нима бор әди? Ҳаммасини ҳар бир ҳарфгача олдиндан айтиб берган ким әди бу? Ва У келган вақтда, улар айтадилар: “У жиноятчиларга қўшиб хисоблаган әдилар, шундай бўлдиям. У бизнинг жиноятларимиз учун қийноққа солинган әди, шундай ҳам бўлди. У бойнинг қабрига қўйилди, аммо У учинчи кун тирилди, ва У турди, тирилди. Ва ундан кейин У Муқаддас Рухни ваъда берди, ва мен Уни олдим. Шу учун, бу ёқдан йўқол, чунки бу Каломда ёзилган, ҳар бир Сўз эса тўғри, рост”. Шунда у кетди. Сиз унга Сўзни кўрсатинг, ва у шундай қилади. У бу Сўзга қарши турса билмайди, зеро У Худонинг Рухига йўғрилган.

Бугун келинглар, Ҳаворийлар Китобининг 7-бобидан ўқий бошлаймиз.

Олийруҳоний Стефандан: “Бу сўзлар ростми?” — деб сўради.

Стефан сўз бошлиди: Эй эрлар, биродарлар ва оталар, тингланглар!

Отамиз Иброҳим Ҳорон шаҳрига кўчиб ўрнашишидан аввал, ҳали Месопотамияда бўлганида, Улугвор Ҳудованд унга зоҳир бўлиб:

“Ўз ерингдан, она юртингдан чиқиб, Мен сенга кўрсатадиган ерга кет”, — деган әди.

Ўшанба Иброҳим халдейларнинг юртидан чиқиб, Ҳорон шаҳрида истиқомат қилди. Отаси ўлгандан кейин, у ердан сизлар яшаётган бу ерга Ҳудо уни кўчирди.

Бу ерда унга оёқ қўядиган бирон парча ерни бермади. Лекин ҳали унинг боласи йўқ экан, Ҳудо бу юртни унга ва унинг зурриётига мулк қилиб беришини ваъда этди.

Ҳудо унинг зурриёти бегона юртда гарубларча яшаб, тўрт юз йил қул бўлиб, жабр-зулм кўражсаклигини билдириди.

“Уларни қул қилиб олган ҳалқни Мен ҳукм қиласман. Шундан кейин улар у ердан чиқиб, бу ерда Менга хизмат қиласадилар”, — деди Ҳудо.

Сўнгра уларга суннат аҳдини берди. Иброҳим эса Исҳоқ исмли ўғил кўриб, уни саккиз кунлигига суннат қилди. Исҳоқ ҳам Ёқуб билан, Ёқуб эса ўн икки қабиламиз оталари билан шундай йўл тутди.

²² Мана шу жой асосида бу мавзуни мағзини чақмоқчимизки, бу мавзуда, мен ўйлайман, бугунги куннинг энг буюк мавзуси... Муқаддас Рұх Ўзи нима? Нима Бу? Шундай қилиб, нима учун мен бу мавзуни шунаقا тартибда олганимни сабаби шуки, сиз Буни нималигини олдин билмай туриб, сиз кела солиб Муқаддас Рухни олиб билмайсиз. Ва сиз Уни билганингиздан кейин ҳам токи У сизга ва сиз учун берилган эканлигига ишонмас экансиз, сиз Уни оломайсиз. Ва ундан кейин, сиз Уни олдингизми ёки йўқми, токи У сизга қанақа натижалар беришини билмагунингизгача, билолмайсиз. Шу учун, агар сиз У нима эканини ва У ким учун ва У келганида, қандай ҳаракатларни келтиришини билиб олган экансиз, шунда сиз Уни олган вақтингизда, Унга эга эканлигингизни биласиз. Тушуняпсизми? Ҳаммаси қарор топади.

²³ Худди Джейфрис акага айтганимдек, ва у: “Мен бугун йигилишда бўлмоқчи әдим, лекин мен у ерда эрта кечкурун бўламан”, — деди. У бу ерда йигилиш бўлиши кераклигини билмас әди, чунки биз бу ҳақида эълон қилмагандик; факат шу ерда. Айримларга... Лео ака ва бошқалар бу шаҳардан бўлмаган айрим дўстларимизга хат ёздиқ. Ха, чунки жой йўқ әди.

²⁴ Шундай қилиб, мен дедим: “Джейфрис ака, агар сен мени ўзингни нефть вишкаларингдан бирини юргизишга юборсанг, мен эса бунда ҳеч нимани тушунмайман, мен, эҳтимол, уни портлатиб юборган бўлар әдим. Мумкин, бошқа бир кнопкани босган ёки бошқа бирор моторни юргизган бўлар әдим. Буни қилишдан олдин, мен бу қандай қилиш кераклигини билишлигим лозим”.

Ва Муқаддас Рухни олиш ҳам худди шу тарзда бўлади. Сизлар нима учун келганингизни ва Уни қандай олишни ва бу нима эканлигини билишлигингиз лозим.

Шундай қилиб, биринчидан, Муқаддас Рух ваъда қилинган эди.

²⁵ Бизларнинг, мумкин, ўн ҳафтамиз кетган бўлар эди... ва бизлар бу мавзу — Муқаддас Рух нима деганида фақат кўз югуртириб ўтардик, холос. Аммо мен нимага эришмоқчиман, биринчиси — бу хар кучкурун сизларга хомаки план, тарҳ бериш, ва кейинги кечқурун қарамоқчиман, саволлар бўлармикан деб.

²⁶ Шу ердагилардан ким Муқаддас Рухни олмаган, Муқаддас Рухга тўлмаган? Кўлларингизни кўтариңглар; ким Рухга тўлмаганини билади? Бу кўлларга бир қаранг-а!

Энди мен бу ҳақида, Муқаддас Рух ҳақида Уни белги сифатида гапирмоқчиман, зеро Бу белги. Барча ваъдалар бизларга... орқали берилган, биз буни тушунамиз... Иброҳим ваъдалар отаси эди, чунки Худо Иброҳимга ва кейинги, унинг Уруғига берган эди. Ваъда “Иброҳим ва унинг Уруғига” берилган эди. Ва бу аломат аҳднинг халқи учундир.

²⁷ Шундай қилиб, оддийгина Христиан билан Муқаддас Рухга тўлган Христиан ўртасида катта фарқ бор. Ҳозир эса биз буни Ёзувдан олиб ва буни айнан Ёзувга жойлаштиришга бошлаймиз. Биринчидан, мана Христиан мен Христианман дейди. Аммо, агар бу Христиан ҳали Муқаддас Рухга тўлмаган бўлса, у фақат Христиан бўлиш жараёнидадир. Тушуняпсизми? У Бунга ишонаман, деб эътиқод этаяпти; у Бу учун меҳнат қилаётпти, аммо Худо ҳали унга ушбу Рухни, Муқаддас Рухни бермаган. У, Худо буни тан олиши учун, Худо билан ўша мақсадига ҳали етган эмас.

²⁸ Чунки Худо Иброҳим билан аҳдини, У Иброҳимни чақирганидан кейингина аҳдини туздики, бу бугун имонли одамни чақиришининг тимсолидир.

У Иброҳимни чақирди, Иброҳим ҳам ўз юртидан чиқди ва бегона одамлар орасида яшаш учун, бегона юртга кетди, ва бу нарса, қачонки Худо инсонни барча паст, ярамас ишларини тўхтатиб, ўз гуноҳларидан тавба қилишининг рамзи эди. Ўшанда у, ўша ўзи бўлган одамлар тўдасидан, янги, бошқа бир тур одамлар орасида яшаш учун бурилади.

Ва Худо Иброҳимни ўша ваъдага, Худо Ўзи берган ваъдасига содик экан деб топгандан кейин, яъни, унда фарзанди бўлади ва бу фарзанд орқали ер юзи дуоли бўлади, деган ваъдасига содиклигини билганидан кейин, Худо унинг имонини, унга белги бериб тасдиқлади ва у белги суннат эди. Суннат Муқаддас Рухнинг рамзи эди.

²⁹ Биз ҳозир ўқиган бобнинг айнан кейинги оятлари, агар истасангиз, унда ёзиг олинг. Ва... Стефан 51-оятда шундай деди:

Эй энсаси қотганлар! *Юраги ва қулоқлари суннат бўлмаганлар!*

Оталарингиз каби сизлар ҳам доимо Муқаддас Рухга қарши турасизлар.

³⁰ Суннат — бу Муқаддас Рух тимсоли, рамзи. Худо ҳам Иброҳимга суннат белгисини, у Худони Унинг ваъдаси бўйича қабул қилгани ва бегона юртга жўнатганидан кейингина берди. Кўрдингизми? Бу белги эди.

Ва унинг барча болалари, ва унинг ундан кейинги авлодлари ўз аъзоларида ушбу белгига эга бўлишлари лозим эди, чунки бу белги фарқлаш белгиси эди. Ушбу суннат белгиси, уларни бошқа барча халқлардан ажратиш учун берилган эди.

³¹ Ва бу нарса, Худо бугунликда ишлаётган ўша нарсадир. Бу юракни суннат белгиси, Муқаддас Рух, Черков бошқа барча таълимотлардан, эътиқод ва деноминациялардан ажралиб чиқкан Худо Черкови билан қиласигани. Улар ҳар турли деноминациялардан, аммо, лекин улар ажralган халқдир. Менга одам бир бир-икки дақиқа гаплашгани кўйинг, мен сизга уни Муқаддас Рух олганми ёки йўқлигини айтоламан; сиз ҳам шундай қилоласиз. Бу уларни ажратиб туради. Бу муҳр. Бу белги. Муқаддас Рух — бу белги. Ва бу...

Эски Аҳд вақтида, Муқаддас Рухнинг символи бўлган, суннат қилинмаган ҳар бир бола халқ орасидан ажратиб қўйилар эди. Агар у суннат қилинишдан бўйин товласа, у жамоатдаги қолганлар билан мулоқотга эга бўлолмас эди.

Энди буни бугунги кунга тадбиқ қиласиган. Муқаддас Рухдан тўлишдан ўзини тортган одам, Муқаддас Рухга эга одамлар билан мулоқот қилолмайди. Сиз бундай қилолмайсиз. Сиз шунаقا табиатга эга бўлишлигингиз лозим. Худди ана у сингари...

³² Онам бундай дер эди: “Кушлар патларига қараб бирга учишади”. Ҳа, бу эски

мақол, аммо у түппа-түғри. Сиз кабутарлар ва қарғаларни бирга юрганини күрмайсиз. Уларнинг овқатланиш тартиби турлича. Одатлари ҳар хил. Уларнинг хохишлари бошқа-бошқа.

Қачонки сен “аъзонинг суннатини” англатувчи Муқаддас Рухга суннати бўлганингда, Христиан билан бу дунё орасида ҳам худди шундай бўлади.

³³ Суннат фақат эркакларда бўла олар эди. Қачонки аёл унга турмушга чикқанида, аёл унинг бир қисми бўлади, у унинг суннати билан бирга бўлади. Сизлар эслайсизларми, Тимофейга Мактубда бундай дейилган эди: “Агар хотинлар имонли, меҳрли, номусли, муқаддас умр сурсалар, бола туғиш орқали нажот топадилар”.

³⁴ Мана шундай, суннат. Биласизми, қачонки... Соро ўша чодирда Фариштанинг айтганларига кулганида, У: “Иброҳим, — деди, уни кимлигини билмай туриб, у нотанишни, — хотининг Соро қаерда?” У қаердан била қолди, унинг хотини борлигини.

³⁵ Исо айтганидай: “Лут кунларида бўлганидай, Инсон Ўғли келиши кунларида ҳам шундай бўлади”. Унутманглар, бу аломатлар бу дунёдаги, диндорлар ўртасидаги Садўм ва Гамўра учун бўлмаган эди. Балки бу Танланганлар учун, чақирилганлар учун. Иброҳим эса чақирилган эди. “Черков” деган сўз эса “чақирилганлар, ажратилганлар” деган маънони англатади, худди Иброҳим ажралгани ва суннат бўлгани сингари.

Ва ундан кейин Соро Фариштанинг мактубини, хабарини айнан ўзига кулган пайтида, Худо уни ўша жойда ўлдириши керак эди; аммо У Иброҳимга тегмай туриб, Сорога теголмас эди, чунки улар бир тан эдилар. Соро унинг бир бўлаги эди. “Энди сизлар икки киши эмас, балки бирсизлар”.

³⁶ Хуллас, суннат, Муқаддас Рух бугун юракларни суннат қилмоқда. Ва бу нарса белги, бу берилган белги.

Кимdir бир куни айтган эди... Мен буни тақрорлайман холос, лекин худди ҳазил каби эмас. Чунки бу ҳақиқат, гарчи у ҳазилдай эшитилса ҳам. Мен кўпинча айтганимдай, бу ер ҳазилни жойи эмас. Лекин ана у ёқда, Ғарбий соҳилда, бизлар яқингинада бўлган эдик, ўша ерда бир немис бор эди. Ва у кўчадан борар экан, у қўлларини кўтарганча, ўзга тилда гапирав эди. У югурап ва сакрар, ва ҳайқирав эди. Ва у ишхонасида бўлиб, у ерда ҳам ўзини шундай тутди, ва унинг бошлиғи унга: “Сен қаерда бўлдинг?” — деди. О-о, менга — менга сиз бўладиган ўша жойлар ёқади. У деди: “Сен у ерда, манови винтчалар орасида бўлгансан шекилли”.

“Сен уларни винтчалар деб ўйлайсанми?” — деди у.

“Албатта, винтчаларда”, — деди униси.

³⁷ У деди: “Яхши, мана шу винтчалар учун Раббийга шукур!” У деди: “Сизлар биласизми бир нимани? Винтчалар мухим рол ўйнайди”. У деди: “Мисол учун, автомобилни олсак, ундан ҳамма винтчаларини чиқариб олинг ва сизда металаломдан бошқа нарса қолмайди”. Шу учун бу ҳақиқатга яқинроқ.

³⁸ Қачонки сизга Муқаддас Рух тушади, сиз шундай бошқача бўлиб қоласизки, бу дунёнинг ақли сизни ёқтирумайди, ва улар сизга қарши бўлади, улар сиз билан умуман алоқа қилишни истамайдилар. Сиз бошқа Дунёдан туғиласиз. Сиз шунақа ҳам чет эллик, ажнабий бўлиб қоласизки, агарда сиз Африка Джунглиларининг энг олис районларига кетганлигингиздагидан ҳам ўн марта кўп бегоналашиб қоласиз. Муқаддас Рух келганида сиз энди бошқа одамсиз, ва Бу белги. Бу одамлардаги тамфа, из, аломат.

³⁹ Энди сиз бундай дейсиз: “Унда, Бранхам aka, ўша суннат белгиси Иброҳимга берилган эдими?” Тўғри. “Ва унинг Зотига ҳамми?” Ха.

⁴⁰ Яхши, энди биз Галатияликларга мурожаат қиласиз, 3-боб, 29-оятга ва бу бизга қанчалик тегишли, тааллуқли экан, кўрамиз. Галатияликларга 3:29, қани, бир қарайлик-чи, агар бизлар мажусийлар бўлсак, бу суннатни қандай қилиб Мажусийларга тааллуқли дейиш мумкин; табиий туғилишимиз бўйича биз шундай ҳам хисобланамизку — мажусийлармиз бизлар.

Шундай қилиб, аввалига мен 16-оятни ўқимоқчиман.

Ваъда Иброҳим ва унинг зоти учун бўлган эди. (Иброҳим ва унинг уруғи учун!) “ва сенинг зотларингга...” — демади Худо.

Унда ҳар қандай ҳар турли...: “О, мен ҳам Иброҳим зотлариданман”, — дейдилар. Йўқ. “Зотинга”, Иброҳим зотига!

“...сенинг зотларинга бераман” деб, кўпчилик ҳақида гапирмади, аксинча: “Сенинг зотингга бераман”, деб, битта кишини, яъни Масиҳни кўзда тутди.

⁴¹ Масиҳ Иброҳим Зоти эди. Сиз бунга ишонасизми? (Йиғилиш: “Омин”. — Тахр.) Яхши, энди 28 ва 28-оятларни оламиз.

Энди на яхудий бор, на юноний, на қул бор, на озод, на эркак бор, на аёл.

Сиз Исо Масиҳ уммати бўлганингиз учун, ҳаммангиз бирсизлар.

Агар Масиҳники бўлсангизлар, у ҳолда Иброҳимнинг ҳам зурриётисизлар, шунингдек, Худо Иброҳимга ваъда қилган меросдан баҳрамандсизлар.

“Иброҳим Зотига” қандай эга бўламиз? Масиҳда бўлсак, шунда биз Иброҳим Зоти хисобланамиз. Иброҳим Зоти нима эди? Биз Римликларга 4 ва бошқа жойларга мурожаат қилишимиз мумкин бўлади.

Иброҳим ваъдаларни суннат вақтида олмади. Бу суннат фақат тимсол эканини кўрсатиш учун, у ваъдаларни суннатдан олдин олди.

⁴² Шундай қилиб, қачонки бизлар Масиҳдамиз, бизлар Иброҳим зурриёти ва Масиҳ билан биргалиқда меросхўр бўлиб қоламиз, шу учун, биз ким бўлмайлик, яхудийми ёки мажусий, буни аҳамияти йўқ.

Ва “Иброҳим Зоти”, Иброҳим Зоти Худони Унинг Сўзи бўйича қабул қиласидан Иброҳим имонига эга. Бу қанчалик ғалати бўлиб кўринмасин, ўзингизни қанчалик бошқача тутишингизга қарамай, бу сени қанчалик ғалати қилиб қўймасин, сен Худони ҳеч нарсага қарамаган ҳолда, Унинг Сўзи бўйича қабул қиласан.

⁴³ Иброҳим етмиш беш ёшида ва Соро ҳам олтмиш беш ёшида, Худони Унинг Сўзи бўйича қабул қилдилар ва Бунга тескари, қарама-қарши нарсаларнинг барчасини йўқ нарса деб қабул қилдилар. Нима деб ўйлайсиз, ўша кунларда докторлар нима деб ўйлаганлар? Сиз нима деб ўйлайсиз, нима деб ўйлаган ўша одамлар, қачонки улар олтмиш беш ёшдаги қария одамни чортарафда юриб ва Худони улуғлаётганини кўрганларида, у ўз хотини билан “фарзандли бўлишга тайёрланаётгани”ни кўрганларида, хотини эса етмиш беш ёшда ва менопаузадан йигирма беш йиллар кейин, улар нима деб ўйлаганларкин? Кўряпсиз, Иброҳимни бундай имони сизни кулгули бўлишингизга мажбур қиласи.

⁴⁴ Сен Муқаддас Рух билан суннат бўлганингда ҳам, У сени худди шундай қиласи. У сени, сен ўйлаб ҳам кўрмаган ишларингни қилишга мажбур қиласи. У сени Худонинг ваъдаларини қабул қилишга ва Худога ишонишга мажбур қиласи.

⁴⁵ Шундай, бундан ташқари, Бу ваъдалар белги ҳамдир. Бу муҳр ҳамдир. Энди Римликларга мактубга мурожаат қиласиз. Олдин сизлар билан Эфесликларга 4:30 ни очмоқчиман. Бу Эфесликларга Мактуб 4:30 да айтилган.

Шундай қилиб, сизлар кўпчилик одамларни кўпчилик нарсаларни муҳр деб аташларини эшифтансиз. “Сен агар черковга бориб юрсанг, сен ўша черковнинг муҳрига эгасан”. Баъзи одамлар бундай дейди: “Бу маълум бир кунга — бу шанба кунига риоя қилиш — бу Худонинг муҳри”. Бошқалар айтадилар: “Агар бизлар маълум бир деноминация аъзолари бўлсак, бизлар Худонинг Шоҳлигига муҳрлангансиз”.

⁴⁶ Мана, энди Библия айтади: “ҳар қандай одамнинг сўзи ёлғон, аммо Худонинг Каломи Ҳакиқат”. Эфесликларга Мактуб 4:30 да ўқиймиз:

Худонинг Муқаддас Рухини хафа қилманглар; сизлар најжот кунигача ўша
Рух билан муҳрлангансизлар.

⁴⁷ Ҳозир озгина қаттиқроқ бўлади. Шундай қилиб, қонунчи биродарлар, озроқ жим туринглар. Сиз пайқадингизми, ўша муҳр қанчалик чўзилар экан? Кейинги уйғонишгача эмас, қачонки бирор-нарса бундай эмас бошқача бўладиган сафаргача ҳам эмас. “Сизнинг најжот кунингизгача”, мана сиз қанчага муҳрлангансиз. “Најжот топиш кунингизгача”, қачонки сиз Худо билан бўлиш учун муҳрлангансиз, мана Муқаддас Рух сизни қанчалик муҳлатга муҳрлайди. Уйғонишдан уйғонишгача эмас; балки Абадийликдан Абадийликкача сизлар Муқаддас Рух билан муҳрлангансиз.

Мана нима Муқаддас Рух, Бу Худонинг муҳрики, У сени топди... Унинг назарида

сен иноят топдинг, ва У сени севади ва У сенга ишонади, ва У сенга Ўз муҳрини қўяди. Хўш, муҳр нима экан ўзи? *Муҳр “ишнинг тугалланганлигини”* белгилайди ёки маъносини билдиради. Омин. Худо сени кутқарди, Муқаддаслади сени, сени тозалади, сенга мурувват қилди ва сени муҳрлади. У тутатди. Сен Унинг ўзингни нажот кунинггача ижодисан. *Муҳрланган* — бу “тугал” дегани.

Муқаддас Рух нима? Бу белги. Бу ҳақида биз кейинроқ, белги тўғрисидаги бошқа бир мактубда, қайсики у ҳақида Павел айтган эди, гаплашамиз. Тиллар, ўзга тиллар имонлилар учун белги эди... ёки ишонмайдиганлар учун.

⁴⁸ Энди эслаб қолинг, аммо бунда Муқаддас Рух белги ҳисобланади. Мен назарда тутаётганим... Ва Муқаддас Рух — бу муҳр. Бу белгики, уни Худо Ўзининг танланган фарзандларига берди. Уни рад этиш — бу халқдан узилган, айрилган бўлиш демакдир; Уни қабул қилиш — бу бу дунё билан ва бу дунёдаги нарсалар билан тугатиш, тамом қилиш, ва Худо муҳр қўйишга маъкул кўрган ўша маҳсули бўлиш демакдир.

⁴⁹ Менга Гарри Уотерберри билан темир йўлда ишлашимга тўғри келган эди, ва бизлар вагон юклардик. Ана у ерда, орқада ўтирган Док акам вагон юклашда ёрдам берар эди. Вагон юкланиб бўлгач, улар вагонни оралаб ўтадилар ва шунда агар инспектор бирор нарсани яхши махкамланмаганидан йиқилиши ва синиши ёки сочилиб кетиши мумкинлигини билиб қолса, у бу вагонни, токи бу вагон тўлиқ жойланмагунича, токи у шундай тўлдирилмагунича ва шундай саранжон қилинмагунича, муҳрламайди. Шунда йўлдаги чайқалишлар унинг ичидаги бўлган ўша маҳсулотларга зарап етказмайди.

⁵⁰ Мана бизлар нима учун шунчалик махкам муҳрламаганмиз; бизлар кўп нарсаларда жуда ҳам бебош, тартибсизмиз. Қачонки Инспектор сени ҳаётингни текшириш учун ўтган пайтида, сен бирор бир нарсада бўшаб кетмаганмикансан, ибодатли ҳаётингда бирор нуқсон йўқмикан, характерингда бирор етишмовчилик йўқмикан, мумкин, сен бошқалар ҳақида гапирганингда тилинг валдирагандир — шуларни қараб чиқиши учун У ўтганида, У ҳеч қачон ушбу вагонни муҳрламайди. Қанақадир расво одатлар, бирор бир разил нарса, қачонки бирор қабих ўй-фикр қилганингда, У бу вагонни муҳрлаб билмайди.

Аммо У ўтган пайтида ҳаммаси ўз жойидалигини кўрса, ушбу Инспектор, унда У муҳрлайди. Вагон манзилга етиб бормагунича, у шу учун ҳам муҳрланган, у муҳрни ҳеч ким очолмаслиги учун! Мана бу. “Менинг мойланганларимга тегманлар; Менинг пайғамбарларимга зиён етказманлар. Зеро кимки Менга ишонган бу муҳрланган кичиклардан бирортасини, ҳаттохи йўлдан оздиришга уринса, унинг бўйнига улкан тегирмон тошини осиб, денгиз чуқурлигига улоқтирилиши у учун яхшироқ бўлар эди”. Кўярпизми, бу нима дегани?

⁵¹ Мана нима Муқаддас Рух. Бу сенинг кафолатинг. Бу сенинг ҳимоянг. Бу сенинг гувоҳинг. Бу сенинг муҳринг. Бу сенинг: “Мен Осмонга йўл оляпман. Иблис нималар дейишидан қатъий назар! Мен Осмонга йўл оляпман. Нима учун? У мени муҳрлади. У менга Буни берди. У мени Ўз Шоҳлиги учун муҳрлади, ва мен Унинг Шуҳратига кетаяпман! Майли, шамоллар шиддати бўлсин, майли, иблис истаганини қилсин. Худо мени нажот кунига қадар муҳрлагани” — белгиси. Омин! Муқаддас Рух мана нима. О-о, сизлар Уни орзу қилишингиз лозим. Мен Усиз боролмас эдим. Бу ҳақида жуда кўп гапириш мумкин эди, аммо мен нима ҳақида айтиётганимни тушунганингизга ишончим комил.

⁵² Энди, келинглар, Юҳанно 14 га ҳам мурожаат қиласлилар. Мен Сўзни яхши кўраман. Бу Ҳақиқатдир.

⁵³ Шундай қилиб, Худо Рухи, Муқаддас Рух, Муқаддас Рух нима Ўзи экан? Бу сендаги Масиҳнинг Рухи. Энди, ўқищдан олдин мен озроқ изоҳлаб ўтмоқчи эдим. Муқаддас Рух нима экан? Бу муҳр. Нима экан Муқаддас Рух? Бу аҳд. Муқаддас Рух нима Ўзи? Бу белги. Муқаддас Рух унда нима экан? Бу... сенда Исо Масиҳ Рухи. “Яна бирордан кейин, — деди Исо, — дунё бошқа Мени кўрмайди. Аммо сизлар Мени кўрасизлар; зеро Мен ҳар куни, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан”. Худо Рухи Унинг Черковида!

⁵⁴ Нима учун? У нима учун бундай қилди? Умуман олганда, бу эртанги оқшомнинг

мавзуси. Бироқ У нима учун бундай қилди? Нима учун У, нима учун Мұқаддас Рух... Нима учун, нима учун У келди? У нима учун сизга келди, нима учун У менга келди? Худонинг ишларини давом эттириш учун.

⁵⁵ “Мен ҳар доим Отам нимани ихтиёр этса, шуни қиласан. Ўзимни иродамни амалга ошириш учун келмадим Мен, балки Мени юборган Отам амрини бажаришга келдим. Мени юборган Отам эса Мен билан бирга; ва Отам Мени қандай юборган бўлса, Мен ҳам сизларни худди шундай юбораман”. Оҳо! (Бранхам ака икки марта кафтларини қарсиллатди — Таҳр.) Ота Уни юборди, Унда юрди. Исони юборган Ота, Унга кирди, У орқали амал қилди.

Сени юбараётган Исо, сен билан боради ва сенда бўлади. Агарда Исо Масихда яшаётган ўша Рух уни, У қандай ҳаракат қилган бўлса, худди шундай қилишга ва шундай бўлишга мажбур қилган бўлса, унда сизда, У сизда бўлган вақтида, У қандай тутиши ҳакида умумий тушунча бўлади, чунки ўша Ҳаёт ўзгаролмайди. У танадан-танага ўтади, аммо У ўз табиатини ўзгартира билмайди, зеро Бу Худодир.

⁵⁶ Энди Юҳанно 14-бобдан ўқиймиз, 10-оятдан бошлаб.

Мен Отамда ҳозирман, Отам эса Менда ҳозир, сен бунга ишонмайсанми?

Мен сизларга Ўзимдан тўқиб гапирмаяпман, балки Менда ҳозир бўлиб турган Отам Ўз ишларини бажармоқда.

Менга ишонинглар; Мен Отамда ва Отам Менда ҳозирдир. Бордию бунга ҳам ишонмасангизлар, ақалли бажараётган ишларимнинг ўзи орқали Менга ишонинглар.

Сизларга ростини айтайн: Менга ишонган киши Мен қилаётган ишларни ўзи қиласди ва ҳатто бундан каттарогини ҳам қиласди. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман.

Сизлар кўряпсизми? У бу ерда нима деганини кўряпсизми? Дикқат билан қаранг, бу қандай ойдинлашашапти. Мен ўқишида давом этаман. Биз 20-оятгача ўқиймиз. “Ва агар нимаики сўрасангиз...” Келинглар, қарайлик, менда... Ҳа. Яхши.

Менинг номидан Отадан бирор нарса сўрасангизлар, уни бажсо келтираман, токи Ота Ўз Ўғли орқали улуглансин.

Ҳа, Менинг номим билан нима сўрасангизлар, Мен уни бажсо келтираман.

Агар Мени севсангизлар, амларимга амал қилинглар.

Мен Отамга мурожсаат қиласан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади.

Бу Юпатувчи — Ҳақиқат Рухидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди.

⁵⁷ Ким унда бу Рух? Мұқаддас Рух нима? Бу сендаги Масих. Юпатувчи, Мұқаддас Рух мана ким. “Ва қачонки Юпатувчи келганида, У Мен қилаётган худди шу ишларни қиласди, Юпатувчи Менда бўлганида. Мен Отамга мурожсаат қиласан, сўрайман, ва У сизларга ушбу Юпатувчини беради. Сизлар бу Юпатувчини биласизлар. Дунё Уни билмайди, ҳеч қачон таниб билмайди. Лекин сизлар Уни биласизлар, чунки ҳозир У сизлар билан бирга, — деди Исо, — ва У сизларда, ичингизда бўлади”. Мана сизларга, марҳамат, бу Юпатувчи, “сизларни ичингизда бўлади”.

Сизларни етим қолдирмайман, яна олдингизга қайтиб келаман

“Мен қолдирмайман...” Бу Юпатувчи, Масих. Мана ким бу Мұқаддас Рух, бу Масих.

Бироздан кейин дунё Мени бошқа кўрмайди. Аммо сизлар мени кўрасизлар;

Мен ҳаёт бўлганим учун, сизлар ҳам яшайсизлар.

⁵⁸ О-о, сиз У Ким эканлигини билишингиз учун давом этгандан давом этаверар эдик. Ким У? У муҳр. У белги. У Юпатувчи. Кўряпсизми, буларнинг ҳаммаси У экан. Иброҳим зурриёти Буни мерос қиласди.

⁵⁹ Энди келинглар, излаб кўрамиз... Юпатувчи яна нима экан? Келинглар, Юҳаннонинг Биринчи Мактуби 16:7 га мурожсаат қиласиз, У Адвокат ҳам эмасмикин,

кўрамиз. Сиз адвокат ким эканини ва нима қилишини биласиз. Бизда Адвокат бор, Буни биз биламиз. Юҳанно, Биринчи, 16-боб... бир дақиқа, кечирасиз. Юҳанно баён этган Инжилдан 16:7. Кечирасизлар, мен нотўғри айтибман. Ўзимдагини нотўғри ўқибман... 16:7

Аммо сизларга ҳақиқатни айтаман, Менинг кетишиим сиз учун фойдалидир. Агар Мен кетмасам, Юпатувчи олдингизга келмайди. Агарда кетсам, Уни олдингизга юбораман.

У эса келиб, гуноҳ,adolat ва ҳукм хусусида дунёning хато қилганини фош қиласди.

Дунёning гуноҳи шундан иборатки, одамлар Менга ишонмайдилар.

Илоҳийadolat шундаки, Мен Отамнинг олдига кетяпман ва сизлар Мени бошқа кўрмайсизлар.

Илоҳий ҳукм эса шундан далолат берадики, бу дунёning ҳокими ҳукм қилинган.*

Шундай қилиб, Адвокат тўғрисида Биринчи Юҳанно 2:12 да топамиз. Келинг, буни ўқиймиз. Биринчи Юҳанно 2:12. Кечирасиз. Биринчи Юҳанно... 1 ва 2-оятлар. Менда бу ерда Юҳанно Биринчи 2:1 ва 2 ёзилган.

Эй фарзандларим, буларни шунинг учун ёзаяпманки, сизлар гуноҳ қилманлар. Бордию бирортамиз гуноҳ қилиб қўйсак, Отанинг олдида одил Ҳомийимиз — Исо Масих бор.

Ушбу Ҳомий Ким? Одил, Исо Масих.

Унинг Ўзи — Унинг Ўзи ёлғиз бизнинг гуноҳларимизнигина эмас, балки бутун дунёning гуноҳларини ювии учун қурбон бўлди.

⁶¹ Муқаддас Рух Ким экан? Бу Ҳомий. Бу эса... Ҳимоячи нима дегани? У нима қиласди? Ҳимоя қиласди. У раҳм-шафқатга эга. У, У сизнинг ўрнингизда бўлади. Сен қилиб билмайдиган нарсани У қиласди. У гуноҳларимиз учун раҳм-шафқат қилувчи Бу сизнинг солиҳлигингиз. Бу сизнинг шифо, давоингиз сизни. Бу сизнинг Ҳаётингиз. Бу сизнинг тирилишингиз. Бу сиз учун Худода бор бўлган ҳамма нарса. У Ҳомий.

⁶² Биз буни қанчалик батафсилоқ очиб беришимиз мумкин, У қандай — У бизларнинг билмаслигимиз сабабидан қандай ҳомийлик қиласди. Баъзан қачонки... бизларда Муқаддас Рух бор, биз билмаслигимиз туфайлидан нимагадир қоқинамиз. Шунда Муқаддас Рух бизни тарафимизни олади. У бизнинг Ҳимоячи. У бизларнинг... У бизнинг ишончли Вакил. У ерда У туради ва биз учун илтижо қиласди. Биз ўзимиз учун илтижо қилмаймиз, чунки биздаги бўлган Муқаддас Рух биз учун илтижо қиласди. Муқаддас Рух баъзида шундай сўзларни айтадики, уларни сен тушунолмайсан, ва У биз учун ҳомийлик қиласди. Мана, Муқаддас Рух нимади.

⁶³ Қачонки мен нимагадир кирсам, мен гўдакдайман; сен гўдакдай юрасан. Бизлар бу қоронғи дунёда, душманларга тўлиб кетган, гуноҳларга тўлиб кетган, тузоқларга тўла, ҳаммасига тўлиб кетган дунёда юрамиз.

Сен айтасан: “О-о, қўрқаман мен. Мен Христиан ҳаёти билан яшашдан қўрқаман. Мен бундан қўрқаман. Мен буни қилолмайман деб қўрқаман”.

Кўрқма. Бизда Ҳимоячи бор. Омин. У биз билан турибди. У бизларда ва У бизлар учун ҳомийлик қиласди. Муқаддас Рух доимо, доимо бизни тарафимизни олади, ҳамма вақт. У бизнинг Адвокат. О, биз бу учун қанчалар миннатдормиз Худога!

⁶⁴ Муҳр, белги, Ҳаёт Рухи, Самовий Худо, Юпатувчи, Ҳаёт, Ҳомий. Мана У Ким! О-о, биз бу тўғрида соатлаб гапирсак бўлар эди.

⁶⁵ Ҳозир бошқа нарса ҳақида гаплашамиз. Энди биз сўрамоқчимиз...

Охирги кунларда бизга ваъда берилган! Ушбу Адвокат, муҳр, ваъда, бугун бизлар У ҳақида айтганларимизнинг ҳаммаси ва минг мартадан ҳам зиёд. Бу бизларга охирги кунда ваъда берилган эди.

Уларда ўша кун Бу бўлмаганди. Улар фақат ўз таналарида, бу нарса келишига ишонган ҳолда, таналарида белги ва аломат сифатида, белгига эга эдилар. Улар танавий суннат қилингандилар.

⁶⁶ Бугун бизлар қонун соясида юрмаяпмиз. Бизлар бугун Тирилиш курдати билан

юрибмиз. Бизлар Рух қудрати билан юрибмизки, У бизларнинг ишончли муҳримиз, бизнинг ишончли Ҳомий, бизнинг ишончли Юпатувчи, бизлар Юқоридан туғилганлигимизнинг ишончли белгисидир; ўзгача, ғалати одамлар ўзларини кулгули тутадилар, Худони Унинг Сўзи бўйича қабул қиласидар, колган ҳаммасини нотўғри дейдилар. Худо Сўзи ишончлидир. Бу... О Худовандим! Муқаддас Рух мана нимадир.

⁶⁷ Сиз Уни истайсизми? Сиз Унга эга бўлишни истармидингиз? (Йиғилиш: “Омин”, — дейди. Таҳр.) Келинглар, кўрамиз, У ваъда қилинганимидимикан.

Келинглар, Ишайёга мурожаат қиласидар. Ишайё Пайғамбар Китоби. Ишайё Пайғамбарнинг 28-боби. Ишайё 28-ни очамиз ва қаердадир... Келинглар, 8-оятни оламиз ва кўрамиз қани Ишайё У келишидан 712 йил олдин нима деган экан.

⁶⁸ Биз ҳали ўша ёқдан, узоқдан бошлаб, бу ҳақида кўп нарсаларни айтишимиз мумкин, лекин биз бу ердан бошлаймиз ва Буни Черковга ваъда этилганмикан, кўрамиз. Қачон Бу келиши керак эди? Охирги кунларда, қачонки бузилиш, таназзул бўлади. Ёдингизда бўлсин, бу сўз кўплек сонда турибди — “кунлар”, охирги икки кун, охирги икки минг йил.

Шундай қилиб, 8-оят.

Барча, зеро барча дастурхонлар... ифлосга тўлиб кетган, шу учун тоза жой иўқ.

⁶⁹ Қидириб кўринг бугун. Атрофга қарангчи, биз ўша кунларда эмасмизми. “Ҳамма дастурхонлар”. Бўлмасамчи, улар Раббийнинг қутлуғ кечасига келадилар, ва биринчи моддий томондан, улар оппоқ ноннинг эски бўлагидан ёки қуруқ печене оладилар, уни синдирадилар ва коммуния қиласидар. Қачонки бу нарса Муқаддас Рұҳдаги тоза қўллар билан қилиниши керак, ва хамиртурушлиз нон бўлиши керак. Масих ифлос эмас ва булғанмаган, бу бўлса Уни ифода этади-ку.

⁷⁰ Бу ичадиган, ёлғончи, ўғирлайдиган, чекадиган, табак чайнайдиган, нима хохласа қиласидан шу одамларга фақат шу черковга тегишли бўлиб, у ерда юришлари учун улар бу одамлар яна нималарни таклиф этадилар. Узокроқ туринг! Агар кимдир буни, биз қутлуғ кечамизда қатнашаётганимизда, Раббимиз Танасини писанд қилмаган ҳолда, нолойик тарзда буни қабул қилиб, ўз-ўзини маҳкум қиласидар. Агар у лойиқ ҳаёт кечирмаётган бўлса, бундан четга тур.

Агар сен буни қабул қиласанг, бу сени виждонинг сени айблаётганини кўрсатади. “Кимки буни емаса, Мен билан бир тан бўлолмайди” — деган эди Исо.

⁷¹ Лекин Раббийнинг ҳамма дастурхонлари ифлосликларга тўлди. Тоза жойнинг ўзи ўйқ. Қулоқ солинглар, бу шу қунимизнинг кўриниши эмасми, ахир!

У кимни... кимни у билимга ўргатади? Ва У кимга беради...таълимни тушунишини?...

Ким билимга тушуниади?... кимга У таълимга тушунчасини беради?...

“Яхши, Худога шукур, мен пресвитерианман. Мен — методист. Мен — элликчи. Мен — назарей. Мен Муқаддас Зиёратчиман”. Бу Худо учун ҳеч нарса эмас; фақат бошқа дастурхон.

...кимга Мен таълимотни тушунишига йўл бераман?...

⁷² Қанақа хил таълимот — Методистлар, Баптистлар, Пресвентерианлар, Элликчиларми? Библия таълимоти!

...кимга Мен таълимотни тушунишига йўл бераман?...

⁷³ Сен Уни қачон оласан, қандай билса бўлади? Биз бу ҳақида жума кечкурун гапирамиз.

...кимга Мен таълимотни тушунишига йўл бераман? (Энди қаранг.) сутдан тўхтатилган, кўкракдан ажратилганларга.

⁷⁴ Кичкиналар айтадилар: “Бу қандай бўлди, менинг онам шу черковга тегишли эдилар” Азиз биродар, мен ҳеч қандай қарши эмасман. Бу боғлаб туради, мен ҳам тушунаман. Яхши, онангни черковига тегишли бўлавер. Лекин қулоқ сол, онанг маълум бир нурда юрган эди, сен бошқасида юрибсан.

⁷⁵ Лютер битта нурда юрган эди. Уэсли бошқасида юрди. Уэсли бир нурда юрди,

элликчилар бошқасида юрди. Аммо бизлар бугун улардагидан кўра юқорида юрамиз. Ва агар яна бирор авлод бўлганида эди, улар бизлардан ҳам нарироққа борар эдилар.

⁷⁶ Ўшанда, ўша биринчи кунларда, бу кенг эди, кенг йўл эди, Лютер имон бўйича оқланишни ўргатган эди. Бу факат бир нарса, яъни одамларни католиклардан протестантликка, Сўз атрофида мулоқотга чақириш учун эди. Имон билан оқланиш, бу кенг сфера эди. Улар бундан бошқа силжимадилар.

⁷⁷ Кейинроқ Жон Уэсли (Веслей. — Тахр.) билан боғлиқ янги уйғониш келди. У уларни ҳаракатга солди, силжитди ва Худо Сўзи билан Муқаддасланган, сени юрагингга кувонч бағишивчи, хайрли, тоза ва муқаддас ҳаёт... умр кечиришлари учун, муқаддасланишга олиб келди. Бу лютеранлик таълимотидаги кўп нарсаларни ларзага солди, титратди.

⁷⁸ Ундан кейин Муқаддас Рухга тўлиш билан Муқаддас Рухни қабул қилиш билан Элликчилар келиб, йўл янада тор бўлди. Бу тўппа-тўғри.

Ва ҳозир янада силкитишда давом эта бошлади. Инъомлар ҳам, тикланишлар ҳам, Худо Рухи ҳам аломатлар ва мўъжизалар тўлиқлиги билан черковга кирди ва Элликчиларни ҳаракатга келтириди. Нима бу? Бизлар Раббий Исонинг Келишига шунчалик яқин турибмизки, Унда бўлган, айнан Ўша Рух, У ер юзида бўлганида, У қилган айни ўша ишларни амалга ошириб, Черковда ишлайпти. Бу нарсалар Ҳаворийлар вақтларидан ҳозиргача ҳеч қачон ҳеч қаерда бўлмаган эди.

Нима учун? Бу кенг, ундан кейин тораяпти, борган сари тораяверади. Нима бу? Бу худди сизнинг қўлингиз соясига яқинлашаётганига ўхшаб кетади, — қоронфироқ, борган сари қоронфироқ. Лекин нима бу? Бу акс, тасвир. Лютер ким бўлган эди? Масихнинг акси. Уэсли ким эди? Масихнинг акси.

⁷⁹ Қаранглар, Билли Сандининг асли эндигина тугади. Мана шу, худди шу кафедра ортидан ўқитган, эски мактабнинг охиригиси, қария Доктор Уэтни, вафот этди, мен ўйлашимча у тўқсон ёшларда эди. Билли Санди ўз кунларидаги номинал черковни уйғотди. У кўрқиб-писиб ўтиради: у кўтарилиди-да, қичқирди: “Сизлар, Методистлар, ўчиб қолган гулханда исиниб юрибсизлар, ваъзхонлар ва ҳамма қолганлар! Баптистлар, ҳаммаларингиз ўчиб қолган чўғларни пуфлайсизлар! Сизлар ҳам, Пресвитерианлар!” У одоб сақлаб ўтиради. У ўша кунинг Билли Грейеми эди.

⁸⁰ Қаранглар. Ва ундан кейин ўша пайтда, номинал черковда уйғониш бўлганида, нима содир бўлди? “Тўлиқ Хушхабар”да уйғониш бўлган эди. Ака-ука Босвортлар, Смитт Уиглsvort ва Д-р прайс, Эмми Макферсон ва бошқалар келдилар.

Қаранглар, бир куни кечаси Смитт Уиглsvort вафот этди. Кейинги куни эрталабида Д-р Прайс вафот этди. Бир сутка ичida мен бу фаолият майдонига келиб қолдим.

⁸¹ Энди менинг ҳам фурсатим яқинлашмоқда. Унга қаранг... сиз ҳозир энди Билли Грейем ҳақида ҳам унча кўп эшитмаяпсиз. Сизлар Орал Робертс ҳақида ҳам кўп эшитмаяпсиз. Менинг ўзимнинг хизматимга ҳам соя тушаётганини кўраяпман. Нима гап ўзи? Бизлар охирида турибмиз, бошқа даврда.

⁸² Билли Санди ва бошқалар қандай келганлар? Улар айнан Мудининг катта уйғонишларидан кейин келгандилар. Муди қачон келди? Айнан Кнокснинг катта уйғонишларидан кейин. Кнокс қачон келди? Айнан Финнининг уйғонишларидан кейин. Финни Кальвиндан кейин. Кальвин... хўш, Уэсли, Уэсли ҳам Лютердан кейин. Худди шундай асрлар оша бораверди. Битта уйғониш тугаши билан, Худо бошқасини бошлайди ва кўпроқ Нурни юборади: ҳаракатни мана шундай ушлаб туради.

⁸³ Ҳозир бизлар мана шу даврнинг охиридамиз. Бу барча одамлар ўзларининг чорраҳалари охирида Масихнинг Келишини кутган эдилар, аммо ҳали олдинда кўп нарсалар бор эди: яхудийларнинг қайтиши, осмонда “учувчи тарелкалар”, бугун бизлар кўриб турганларимизнинг барчаси. Аммо бизлар охирида турибмиз. Ҳозир биз бу ерда. Улар Черковда Масихни ўша ишларини амалга ошириш учун, Черков Қудрат олиши кераклигини ҳамда, соя қалинлашгани сайин Унинг акси кўпроқ ва янада кўпроқ акс этишини билардилар.

⁸⁴ Сояга қаранг. Соя узоқлашгани сайин, акс билин-билинмас бўлаверади. Ундан

кейин соя борган сари яқинроқ ва янада яқинроқ бўлавериб, охири соя дарахт кўринишига эга бўлади.

⁸⁵ Шундай қилиб, Худо Рухи Лютер вақтларида, оқланиш пайтида меҳнат қилган эди; оқланиш Уэсли вақтларида; Элликчилар Муқаддас Рухни олиш; ва бу ерда охирги кун, У Масихда бўлган вақтда, Ўзи қилган ўша ишларини амалга оширади, бажаради. Нима бу? Черков ва Масих бир бўлади.

Ва Улар биргаликда охирги бўғинни бирлаштиришлари билан, У (Черков) хитоб билан ҳайқириб, Осмонга кўтарилади. Уэсли, Лютер ва ўша ўтган кунлардан барча қолганлар ҳам кўтариладилар, “биринчилар охирги, охиргилар биринчи бўладилар”, ва Тирилиш келади.

⁸⁶ Биз охирги кунлардамиз. Эшитинглар, бизларни Муқаддас Рух қилаяпти. Муқаддас Рух, оқланиш пайтида, қаранглар, бу сафар шуъласигина Унинг; Муқаддас Рух муқаддасланиш вақтида — Унинг анча кучли шуъласи; Муқаддас Рух Унга тўлиш вақтида — янада кучлироқ; ҳозир Муқаддас Рух У Ўзи ўшандада мўъжиза ва гаройиботлар қилганига ўхшаб, бу ерда Ўз Шахсини тикляяпти. Шарафлар бўлсин! Агар мени “муқаддас сакровчи” деб атамоқчи бўлсангиз, ҳозирни ўзида бошлашингиз мумкин.

⁸⁷ Эшитинглар биродарларим, тингланглар буни.

... барча дастурхонлар қусқуга тўлган... тоза жой ийӯк.

У кимни билимга ўргатади?... кимга У таълимотига тушунчасини беради?

Сутдан тўхтатилган, кўкракдан айрилганларга.

Гўдаклар эмас: пресвiterиан гўдаклари, методист гўдаклари, элликчилар гўдаклари, лютеран гўдаклари, назарян гўдаклари. Унга кўкракдан айрилишни ва қаттиқ овқатни хохлайдиганлар керак. Мана нима:

Зеро амр устига амр...амр устига; қоида устига қоида... қоида устига; у ерда озгина ва бу ерда озроқ:

Чунки тутилиб гапирадиган оғизлар билан ва ўзга тилларда Мен бу халқа гапираман.

Қайсигаки У деди: “Мана ором, қайсики унда қийналган тинчини топади: ва мана янгиланиши”. Аммо, лекин, улар эшишини истамадилар.

⁸⁸ Муқаддас Рух, Ўзининг Келишидан етти юз ўн икки йил олдин башоратда айтиб, агар У айни шу йўл билан Эллигинчи Кунида келган бўлса! Ва мана У Эллигинчилар Кунида аниқ келди.

⁸⁹ “Шанба кунига риоя қилинг”, — деди кимдир. Мен бирор бир черков ёки динга енгил қарамайман ва уни инкор қилмайман. “Шанба куни, Худонинг шанбаси ором куни эди”, — дейишади.

Мана ором куни. (Бранхам aka Библиясини кўтарди.) “Мана бу ором, — деди У, — қийналган мана шунда ором топади”. Мана бу. Омин! “Насиҳат устига насиҳат, қоида устига қоида”. Мана ором. Муқаддас Рух нима? Бу ором!

Эй оғир юқ остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман.

⁹⁰ У Ким экан? Бу Ўша, Қайсики сизга келади, сизга тинчлик беради; сизнинг белгингиз, сизнинг Юпатувчингиз; Юпатилган, тинчлантирилган, муҳрланган.

⁹¹ Сиз қандай яшаяпсиз? Бу белги; дунё билади, сен билан нимадир содир бўлди. Нима Бу? Бу Юпатувчи. Нима Бу? Мұхр. Сен оромдасан. Сенда бор... бу сенинг Ҳимоячинг. Агар сенга бирор нима бўлса, Нимадир борки, шу заҳоти сен учун тарафингни олади, ҳомийлик қиласи. Бу, башорат сўзида аниқ айтиб қўйилгандагидек, У келган вақтида, У қандай иш қиласи — Бу, Черковда яшовчи Худо Руҳидир. Бу абадий давом этадиган бўлади. Абадий ором.

⁹² Худо оламни яратди. Ибронийларга Мактуб, 4-боб: “Худо оламни яратди ва еттинчи кунда барча ишларидан фориғ бўлди”. Бу тўғри.

Яна ва яна саккизинчи кун қайтиб келар эди... У буни Яхудийларга маълум бир вақт даврида аҳд сифатида берди. Бу тўғри. Лекин улар боришар ва бир кун дам олардилар; ва яна қайтадан ҳафтанинг биринчи куни, яна у бошланади, яна янги кун

бошланади. Бу Худо у ҳақида гапирган, ўша ором эмас.

Қачонки Худо олти қунда бу оламни яратди, ва қачонки У барча ишларидан фориғ бўлганида ўшанда У ўша вақтдан бери ва бундан кейин доимо фориғ бўлди. Бу рост. Ҳаммаси ечилган эди. У саккизинчи қунга қайтади, яна бошқатдан бошлаш учун.

⁹³ Бу фақат соя эди. Бу, ой қуёшга нисбатан бўлганидек, тимсол эди; аммо қачонки қуёш чиқса, биз ойга бошқа муҳтоҷ бўлмаймиз. Энди эътибор беринг, Ваҳий 11 да — “куёшга бурканган аёл; унинг оёқлари остида ой”. О-о, биз сизларга кўрсатиб ва очиб бериб, бутун Библия бўйича ўтолардик.

⁹⁴ Лекин бу нимади? Библияда, Ибронийларга мактуб, 4-бобда: “Агарда Исо уларга ором қунини берганида эди, У охир-оқибат бу ҳақида айтган бўлар эди; У ором қуни ҳақида айтган бўлар эди”. У ором ҳақида айтганида, қанақа қун ҳақида У айтган эди?

Эй оғир юқ остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинг, Мен сизга ором бераман.

⁹⁵ Матто 11-боб, 22-оят... Қаранглар, биз буни топамиз, қачон биз Унга келамиз. “Худо Ўз ишларидан қандай фориғ бўлган бўлса, — дейилган Ибронийларга Мактубнинг 4-бобида, — Унинг фароғатига кирувчилар ҳам ўз ишларидан шундай фориғ бўладилар”. Қачонки У бунга яна қайтмаслик учун оламни яратганида, Ўз ишларидан фориғ бўлган эди. Қачонгача? (Бранҳам ака кафедрани уч марта тақиллатди. — Таҳр.) Сиз қачонгача муқаддас Рухга муҳрлангансиз? “Сизнинг нажот қунингизгача”. Бу ором, юпанч, Оқловчи, муҳр, Халоскор. О! (Бранҳам ака бир марта кафтларини қарсиллатди.) О мен қанчалик хаяжондаман, ёки қанчалик мен дуоландим. О-о!

⁹⁶ “Бранҳам ака, бу бизларга ваъда қилинганми? Библияда Бу исботланганми?

Яхши, Йўэлга мурожаат қиласиз, Йўэл нима деган эди, Бу тўғрисида.

Худонинг дуоли Сўзи учун мен қанчалик миннатдорман! Сизлар севасизми Уни? (Йиғилиш: “Омин” — дейди. Таҳр.) Мен ўйлайман, агар биз Сўз билан турмаганимизда, билмайман, қаерда турган бўлар эдик. Яхши.

Биз Йўэлни очдик. Йўэлга мурожаат қиласиз, 2-боб, 28-оятдан бошлаймиз. Йўэл 2:28, Масих келишига саккиз юз йил муқаддам, Рухдаги пайғамбар. Эшитинглар.

Ва шундан кейин, Ўзимнинг Руҳимдан ҳар бир танага соламан... ва сизнинг ўғиларингиз ва қизларингиз башиорат қиласилар; мўйсафиidlарингиз тушилар кўрадилар ва ўспириларингиз ваҳийлар кўрадилар.

Ва худди шундай Менинг қулларимга ҳам ўша қунларда Ўз Руҳимдан соламан.

Ва осмонда ҳам ва ерда ҳам аломатлар кўрсатаман: қон... олов, ва тутун устуни.

Буюк ва қўрқинчли Раббий қуни келишидан олдин, қуёши зимиstonга ва ой — қонга айланади.

Ва шундай бўлади: ҳар бир киши, кимки Раббий исмини чақиради, қутқарилади;

⁹⁷ Бу... О-о! Нима? Йўэл! Сиз эътибор бердингизми? Ҳаворийлар 2-чида Пётр худди ўша оятни келтирди. У деди: “Эй барча яҳудийлар, мени сўзларимга қулоқ солинглар: “Улар маст эмаслар”, — булар муҳрлангандар, юпатилгандар, белгиланган, бошқача одамлар, “улар сиз ўйлагандек, маст эмаслар” — Ҳаворийлар 2, — чунки ҳозир эрталаб тўққизку! Бу воқеа билан Йўэл пайғамбарнинг азалдан каромат қилиб айтгандари бажо келмоқда. У айтган эди: “Мана, охирги қунларда воқе бўлади, Мен бутун жонзот узра Ўз Руҳимни ёғдираман”.”

⁹⁸ Нима Бу, Муқаддас Рух нима экан? Яхши, келинг яна эътибор берайлик, бу имонлиларга ваъда қилинганлигига, мана Бу нима. Шундай қилиб, мана шу Муқаддас Рух, биз гувоҳи бўлганимиз, Унинг, бир дақиқа. У кимга ваъда қилинган? Имонлиларга.

Энди Луқо баён этган Хушхабарнинг 24-бобига мурожаат қиласиз, эшитинглар, Исо ер юзини қолдириб кетиши олдидан айтган охирги Сўзларидан У нима дейди. Луқодан Инжил, 24-боб. Ким белгилаб бораётган бўлса, буни белгилашингиз ва эртага кўпроқ вақтингиз бўлганида ўрганишингиз мумкин. Хуллас, Луқо 24:49, мана нима дейди

Исо. Охирида, У Шухратига кўтариладиган вақтида, мана У Ўз шогирдларига айтган Сўзлари.

...ва Мен Отамнинг берган ваъдасини юбораман...

Қандай ваъда? Мухр, белги, Юпатувчи ва барча бу мен айтганларим ва минг марта зиёд.

...Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларга юбораман...

Қанақа ваъда? “Ишайё: “дудук овозлар билан ва ўзга тилларда Мен бу халқقا гапираман”, — дегани келади деб ваъда берган эди. “Мен сизларга ушбу оромни юбораман. Мен Йўэл гапирган ўша: “Ва охирги кунларда, — дейди Худованд, — Мен сизларга Ўз Руҳимни ёғдираман”ни юбораман. О, Мен сизларга юбораман ва барча халқларни, Куддусдан бошлаб барча одамларни... Мен бу аҳдимни Иброҳим зурриётини олиб кираман. Мен уларнинг ҳар бирини муҳрлайман. Мен Ўз Руҳимни ёғдираман”.

...Мен Отамнинг берган ваъдасини сизларга юбораман. Аммо юқоридан бу қудратни олмагунингизгача, Куддус шаҳрида қола туринглар бу кутинглар дегани — Куддусда..

⁹⁹ Унда Муқаддас Руҳ нима экан? “Юқоридан Қудрат!” Епископдан қудрат эмас, черковдан қудрат эмас. Балки “Юқоридан Қудрат!”

¹⁰⁰ У Қудрат қандай келди? “Черковга қўшилиш” орқалими? Агар кимдир шундай деб уқтиrsa, жуда шубҳали бу. “Черковга қўшилиш ва пастор билан қўл сиқиш” орқалими? Йўқ, жаноблар. Энди сизларга, католиклар, — “тилни чиқариб ва биринчи коммунияни қабул қилибми? Йўқ, жаноблар.

¹⁰¹ Қандай келди экан бу Юқоридан Қудрат? Келинглар, яна озроқ ўқийлик. Ҳаворийларга 1:8. Энди улар бирга тўпландилар. Бу ерда улар Исо ҳақида гапирдилар, бирга тўплангандарида, ва улар Яҳудони ўрнини олиши учун, бошқа кишини сайладилар. Ҳаворийларга 1:8.

Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганида, сизлар қувват оласизлар...

Нима? “Бранхам Чодири аъзоси бўлган вақтингиздами?” Йўқ. “Қачон методистлар черкови аъзоси бўлганингиздами, католик черкови ёки пресвитер черкови аъзоси бўлганингиздами?” Йўқ, Библияда бундай эмас. Бу инсоний таълимотлар.

“Сен воиз бўлганингда Қудрат оласанми?” Йўқ, жаноб. “Сен Қудратни санъат бакалаври бўлганингда оласан”ми? Йўқ, жаноб. “Сен Қудратни... Қудрат руҳонийлик дипломини олганингда келади”ми? Йўқ, жаноб. “Сувда имон келтирганингизда Қудратни оласиз”ми? Йўқ, жаноб. “Сиз Қудратни биринчи коммунияни қабул қилганингизда оласиз”ми? Йўқ, жаноб. Булар ҳаммаси инсоний ҳамиртурушлар.

¹⁰² Эшилинглар Библия нима деяпти, Исо нима деган.

...сизлар Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганида, қувват оласизлар. (Муқаддас Руҳ нима экан? Қувват) Кейин, шундан сўнг, сизлар Менинг шогирдларим бўласизлар... (“Фақат сиз ўн иккингиз, Куддусда шоҳидларим бўласизларми?”)... сизлар Куддусда ҳам,... Яҳудияда, ...Самарияда, ва ҳамто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг гувоҳларим бўласизлар.(қайсигаки ҳали етиб борилмаган.)

Ва буларни айтган пайтида... буларни айтгач, Исо уларнинг кўз олдида осмонга кўтарилди. Уни булут қоплаб, кўздан гойиб бўлди.

¹⁰³ Энди саҳифани ағдаринг ва бу башоратлар қандай бажо бўлганлигини кўрасиз.

Хосил байрами бўлганда, шогирдларнинг ҳаммаси яқдиллик билан бир жойга ишилиб турган эдилар.

“Ва тўсатдан пастор кириб келди ва...”? О, мен адашдим шекилли, шундайми? “Тўсатдан алтарга руҳоний келди?” Йўқ.

Ва тўсатдан шовқин келди...

Қандайдир бир соҳтакорлик, муғомбирлик эмас. Бу У эди, бу товуш эди.

“Эшикка хизматчи яқинлашди”? “Хизматчи қутлуғ кечা учун муқаддас жойидан тушиб келди”? Йўқ, ҳеч ҳам бундай эмас.

...осмондан шовқин келди... (қадамлар шовқини эмас)... осмондан шовқин

келди худди... кучли шамол эсаётгандек (о, менинг Худойим! Фью-ш-ш-ш!...?)... ва улар турган уйни тамоман тўлдирди.

¹⁰⁴ Муқаддас Рух нима экан? Мана улар қачон Қудрат олдилар. Мана қачон улар кутишлари керак эди; мана шу ерда содир бўлди, улар кутганлари пайтида. Ҳаммалари башорат қилдилар, Ибтидодан ва ўша соатгача, Иброҳимдан бутун асрлар оша, ҳаммалари башорат қилдилар; У келади деб, ва У қандай келади, ва қанақа натижалар бўлади. Нима Бу? Черков учун, имонлилар учун ваъда қилинган.

... ва улар турган уйни тамоман тўлдирди.

Оловга ўшиаб алангаланиб турган тиллар уларга кўринди. Булар бўлиниб, уларнинг ҳар бири устига биттадан қўнди.

Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Унинг бераетган башорати билан бошқа-бошқа тилларда гапира бошлиши.

Биз бу ҳақида жума кечқурун гапирамиз. Биз буни кейинчаликка қўяшимиз.

¹⁰⁵ Бу нима экан? Бу Черков учун ваъда, рост, бу ваъда. Яхши.

¹⁰⁶ Энди биз ойдинлаштироқчимиз, улар тўлганларидан сўнгра, қанча муддатга улар муҳрланган эдилар? (Йигилиш: “Нажот топиш кунигача”, — дейди. — Тахр.)

Шу ердагилардан ким Муқаддас Рухни олган? Қўлларингизни кўтаринглар. Муқаддас Рух олганлар, Уни олмаганлардан киңра кўп. Ака, опа, биз сизларни ҳам бизлардан биримиз бўлишингизни истаймиз. Қачон сен тушунасан, Бунинг нималигини, Бу... Бу, сенда яшайдиган, Худонинг ишларини бажарадиган Худонинг Рухи.

Худо Ўз Рухини Ўз хизматкорларининг бирорига, Унинг пайғамбарларидан бирига, Унинг ўқитувчилари, Унинг ҳаворийларидан бирига юборган вақтида, улар ҳар доим бу дунё томонидан инкор этилганлар. Уларга, ақлсиз, тентакларга қарагандек қарадилар, асрлар оша шундай бўлган эди. Ҳаттоқи Павел Агриппа олдида турганида, у: “улар буни бидъат деб атаган...” *Бидъат* нима ўзи? “Телбалик”. “Улар буни телбалик деб, “винтчалар тўдаси” деб айтганлари билан, мен ота-боболарим Худосига мана шу тарзда сифинаман”. (Бранхам aka кафтларига бир марта қарсак уради. — Тахр.) Мен улардан биттаси дея олишимдан, баҳтиёрман. Ҳа, дўстим. Бу рост. Мен улардан биттаси деб билишимдан, баҳтиёрман.

¹⁰⁷ Муқаддас Рух уларга тушиши билан, У уларнинг юракларини шундай севувчи қилдики, улардаги ҳамма нарса ўргада, умумий бўлди. Тўғрими? О, бу қанақа муносабат! Баъзан биз мана бу қўшиқни қуйлаймиз, — “О, бу қандай муносабат, алоқа! О, бу қандай самовий қувонч!” Мана нима бу. Улар ўйлантирmas эди — қуёш порлайдими, ёки йўқми. Улар гул баргларидан тўшак сўрамадилар.

“Агар мен Муқаддас Рухни олсан, мистер Бранхам, сиз мени миллионер бўлишимга кафил бўлоласизми? — дейдилар менга баъзилар. Сиз мени нефть скважиналарини топишимга, олтин томирини топишимга ва мен — мен... сиз кафил бўласизми?” Кўряпсизми, одамлар шундай ўргатишади, улар нотўғри, ёлғонни ўргатишади. Худо бунақа нарсаларни ваъда бермаган.

¹⁰⁸ Муқаддас Рухни олган одамни қизиқтирмайди, у садақа сўрайдиган бўладими ёки йўқ. У учун ҳеч қандай фарқи йўқ. У — Осмонга бораётган, ижод. У ундан эмас... Уни бу ерда умуман ҳеч нарса боғлаб турмайди. Бу рост. Уни ташвишлантирмайди. Нима хоҳлашса, шундай қилишаверсин. Майли танқид қилишсин, майли кулсинлар. Обрўингни йўқотасанми, сен нимадан хавотирдасан? Сен Шухратга элтувчи йўлдасан! Аллилуя! Сенинг нигоҳинг Масихда ва сен йўлдасан. Бу дунё нима дейди, сенга аҳамияти йўқ.

Мана нимадир Муқаддас Рух. Бу Қудрат, Бу муҳр, Бу Юпатувчи, Бу Ҳомий, Бу белги. О Раббим! Бу Худо сени қабул қилганининг кафолати.

Мен қанча вақт олдим? Мени бу ерда яна саккиз дақиқам бор. Яхши. Менга рухсат беринг... Менда бу ерда Ёзувдан кўп жойларим бор. Мен уларни ҳаммасини келтиrolмасам керак деб ўйлайман, лекин биз ҳаракат қиламиз.

¹⁰⁹ Шундай қилиб, одам Муқаддас Рухга тўлганидан кейин, наҳотки, қувғин ва шунга ўхшашлар уни қайтиб кетишига мажбур қилиши мумкин бўлса ва... Йўқ, у йўқолиб қолмайди, у Худо ўғли бўлиб қолаверади ва доимо ўшандай қолади, чунки сиз қанча

вақтга муҳрлангансиз? (Йиғилиш дейди: “Нажот кунигача” — Тахр.) Тўғри. Библия буни айтаяпти.

¹¹⁰ Мана, шогирдларни урганларидан кейин, уларнинг устидан кулганларидан ва бошқа ишлардан кейин, улар бирга йиғилишининг айни вақти деб ўйладилар. Келинглар, Ҳаворийлар 4-бобга мурожаат қиласлик ва нима бўлганига қарайлик, қачонки улар... Бу Уни олиб олган одамлар учун. Ҳаворийлар 4-боб.

Шундай қилиб, Пётр ва Юҳаннони калтаклаб, зиндонга ташладилар, ўша шифоланиш учун, ўша черков эшиги олдидағи шифоланиш хизмати учун. Сизлардан ким буни билади? У ерда шол одам ётган эди. У юролмасди; ва қирқ йил шу ахволда эди. Пётр эса унинг олдидан ўтаётган эди. Ва у деди... у эса қўлидаги кружкада бир тўғрам нон учун садака сўрар эди.

Ва Пётр унга Муқаддас Рухга тўлған воизлигини, унда ҳеч қанака пули йўқлигини кўрсатди. У деди – у деди: “Менда кумуш ва олтин йўқ”. Кўряпсизми, у бу тўғрисида ташвишланмади. Аммо у Осмон билан боғланган ижод эди. О, мен бу ҳақида гаплашишга вақт топишни қанчалар хоҳлар эдим. У юпатилган эди. У Осмон билан боғланган эди. У Рухга эга эди. У Кудратга эга эди. У олдинга чиқди ва деди: “Менда кумуш ва олтин йўқ, аммо ўзимда борини сенга бераман”.

У одам албатта, сўради: “А сени ниманг бор, жаноб?”

“Менда имон бор. Мени юрагимда ўн кунлар бурун бошланган бир нимам бор. Мен у ерда, болохонада эдим, ва тўсатдан Худо берган ҳамма ваъдалари... Мен Исо Масих билан уч ярим йил бирга юрган эдим. Мен У билан балиқ ушлагандим. Мен бу турли ишларни қилдим. Ва мен Унинг касалларни қандай шифолаганини кўрганман. Мен... У ҳар доим менга бундай деганди: “Отам Менда, аммо қачон Мен кетсан, У сизларга келади”. Мен буни тушунолмадим. Лекин У деди: “Мен сизлардан буни тушунишларингизни кутмайман”.

Сиз бу нарсаларни тушунмайсиз; сиз фақат бунга эгасиз. Мен буни ҳали тушунмайман. Менга мен тушунаман деб ўтирманг, чунки бу бундай эмас. Ҳа, мен Буни тушунолмайман, мен Буни тушунтиролмайман; аммо мен бир нарсани биламан, мен Унга эгаман.

“Бўйти, бўйти, — дейсиз сиз, — бу илмий эмас”. Бўлганда қандай!

¹¹¹ Мана шу нурга қаранглар. Қачонки Бенджамин Франклин буни очганида, у бундай деди: “Мен эгаман”. У нимага эга эканини билмас, аммо у бунга эга эди. Ва мен истардимки, бирор киши менга электр нима эканини айтсин. Улар ҳали билмайдилар, бу ўзи нималигини, аммо бизларда бу бор. Омин. Бу тўғри. Электр нима, ҳеч ким билмайди. Улар ундан фойдаланиб биладилар, уни нурга айлантиришни билишади. Лекин улар генераторлар билан ишлаб чиқилади, иккита детал мана бундай биргаликда харакат қиласли ва электр ишлаб чиқилади ва бу уларнинг бор-йўқ билганлари. Бу нур беради, ва бунда қувват бор.

¹¹² Ва худди шунга ўхшаб Худо Рухи ҳам. Қачонки битта детал бўлса, бу сени ўзинг ва бошқа детал бу Худо, ва улар мана бундай бирга ҳаракатланадилар, бу сен учун нимадир қиласли. Тўғри. Бу Нурни беради. Бу Кудратни беради. Сен билмайсан, Бу нима экан ва ҳеч қачон Буни нима эканини билмайсан ҳам. Аммо сен буни қачон олганингни биласан. Шак-шубҳасиз. Ва Бу сен учун. Бу сенини. Бу гарантия, ишонч. Тўғри.

Нимани кўрсатади ушибу нур? Бу ишонч, дадиллик. Бу нур эканини.

Энди эътибор беринг. Сиз билмайсиз, Бу нималигини.

¹¹³ Аммо бу болалар айтади: “Кўйсанг-чи”, улар... улар фақат бу нарсани такрорлайверадилар: “Улар ғирт ўқимаганлар”. Ўша немис айтганидек, булар ҳам “вингчалар”. Кўряпсизми? “Улар ўқимаган ва маълумотсиздирлар”, — дейишади. Лекин улар ўша Балиқчи билан, ўша Дурадгор билан бирга бўлшганди, Қайсики Уни Исо деб атаган эдилар, мен сизга айтаман, чунки улар У нималар қилган бўлса, шуни қилдилар.

¹¹⁴ Мана Муқаддас Рух нима — бу, маълумотсиз балиқчида, дурадгорда ёки яна кимдадир, маълумотсиз воизда яшайдиган Исо, у ким бўлмасин. Бу дунёнинг ишларида ўқимаган бўлишни истаган бу одам, лекин унга фақат Исо, Худо Рухи, муҳр, Юпатувчи

кирса бас. Уни ўз обрўси қизиқтиrmайди. У биргина нарсани — Худони истайди.

¹¹⁵ Худо тартиб ўрнатган вақтида, У деди: “Ҳамма левитлар, Мен сизларни чақирдим ва рухонийлар қилдим. Сизларнинг ҳамма биродарларингиз эса, қолган ўн икки қабила... қолган ўн икки қабила сизларга ўн улуш тўлайди”.

“Сен тўққиз қоп олма оласан, бир қоп левитларга тўк. Сен бу залдан қўйларингни ҳайдаб ўтганингда, ўнинчи қўйни ол. У каттами, ёки кичкинами, семизми ё ориқми, мени қизиқтиrmайди, бу левитларга тегишли”.

“Энди, левитлар, қачонки сизлар буларнинг барчасини оласиз, шунда сизлар ҳам Раббийга ўн улуш беринглар. Ҳар хил қурбонликлар, силкитиш қурбонлиги, шукронा қурбонликларини келтир. Раббийга ўн улуш келтиринглар”.

¹¹⁶ У деди: “Мусо, сенинг улушинг эса — Мен сен учун”. О, Раббий! У деди: “Мен — сени қониқтирадиган улушкинг”.

Ва бу, Муқаддас Рух бугун Черков учун нима бўлса, худди шу. Кумуш ва олтин йўқ менда, аммо менда ўша қониқтирадиган Қисм бор. Аллилуя! Маълумот? Мен бу Китобни базўр ўқийман, аммо менда қониқтирадиган Қисм бор. Бу, яхши. Докторлик даражаси? Менда ҳеч қанақаси йўқ: на фалсафий, на гуманитар, на бошқа бирор-бири йўқ. Лекин менда битта нарса бор — қониқтирадиган Қисми. Бу мен истаган ўша қисм. Худо истайди, сен шу қисмга эга бўлишингни. Қолган эски-тускиларни ташлаб юбор, бу барча обрў ва қолган ҳаммасини, ва чиқ ва Худонинг қониқтирадиган Қисмини ол.

¹¹⁷ Чунки ер юзидан ниманини олгансан, кетаётганингда, шу ерда колдирасан. Аммо сен ўша қониқтирадиган Қисмни олган бўлсанг, У, шак-шубҳасиз сен юқорига олиб кетади. Бугун бизларни кўмиш маросимлари учун страховкалар қиласидилар, тобуткашлар билан таъминлайдилар. Келинглар, Худонинг қониқтирадиган Қисмини оламиз ва кўмувчи ўрнига юқорига Олувчини оламиз. Биласизларми, уларнинг иккиси ҳам ишлайди.

¹¹⁸ Келинглар, кўрамиз.

... қўйворилганларидан сўнг, улар ўзлариникиларга келишиди...

Рухонийларга қайтмадилар. Кўряпсизми, бу шуни кўрсатадики, улар Унга эга эдилар. Улар яна ўша эски, совуқ ва юзакиларга қайтишмади, йўқ; қайтиб бормадилар ва: “Қаранглар, бизлар учун қанчаликлар қилдилар!” — демадилар. Йўқ-йўқ. Уларда ўз кампаниялари бор эди. Улар у ерда бор-йўти ўнтага яқин эдилар, бир ҳоучгина, лекин уларга шундай кампания етарли эди.

.. қўйворилгандан сўнг...

Уларни уриб ва уларга: “Яна бир марта Исо Исмидан чўмдириб кўрингчи!” — деб таҳдид қилдилар. Яъни, мен айтмоқчи эдим... майли, бу тўғри. “Яна бир бор Исо Исмидан ваъз қилиб ва яна бирор бир нарса қилиб кўринг, биз сизларни топиб оламиз!”

¹¹⁹ Улар бўлса: “Фью-ю-ю, мана дўқ-пўписа, кетдик, қолган биродарларимиз олдига борамиз”. О, бу тўғри йўл. Бирликда куч-кудрат бор. Бирликда куч-кудрат. Улар: “Кетдик, қолган биродарларимиз ёнига ва нима қилишни ҳал қиласиз”, — дейишиди.

¹²⁰ Мана улар бир жойга йигилишиди ва ўша ҳар турли кўргуликларни айтиб беришиди.

... озодликка чиқарилгандан сўнг, ўртоқларининг қошига бориб,
олиўруҳонийлар ва оқсоқолларнинг барча айтганларини сўзлаб бердилар.

Улар эса буни эшиштагач, бир овоздан Худога нидо қилиб дедилар...

Эшиштинглар, улар нимани айтиб бердилар. Унга қаранг, уларга қаранглар, улар: “О Раббий, мен шундай пушаймондаман...” деганга ўхшаш бирор бошқа нарсани айтиш учун қайтмадилар. Йўқ. Улар аллақачон нажот топган эдилар. Улар Рухга тўлгандилар. Улар Абадий Ҳаётга эга эдилар.

... улар буни эшиштагач, бир овоздан Худога нидо қилдилар: Раббий, Сен
Худосан,...

Омин! Пальмер ака, бу менга ёқади. Бу менга ёқади.

... Сен еру осмон, денгиз ва уларнинг ичидаги ҳамма нарсаларни яратган
Худо! (биз буни биламиз)

Сен Ўз қулинг — отамиз Довуд оғзи ила дегансан...

¹²¹ Караплар, сиз қайтмоқчимисиз ва “Йўқ, бизлар...”, — демоқчимисиз. Сиз у ёққа борасиз ва “Хўш Раббий, бир дақиқа қараб тур. Ахир улар менинг устимдан куляптиларку!” — дейсиз. Ахир У айтмаганмиди, улар шундай қиладилар деб?

“Исо Масих йўлида диёнатли яшамокчи бўлганларнинг ҳаммаси ҳам қувғинга дучор бўладилар”.

“Биласанми, менинг бошлиғим менга айтди, агар у ушлаб олса...” улар буни айтиши айтилмаганми, ахир? “Тушунасанми, сен, яқинда улар мени Бу учун судга судрадилар”.

¹²² Ахир У айтмаганмиди: “Менинг номим учун сизларни ҳокимлар ва подшоҳлар қошига олиб борадилар. Сизни тутиб беришаётганда эса нимани айтамиз, қандай гапирамиз, деб ўйлаб қайғурманглар”, — деб? Шу нарса кеча қандай содир бўлганини мен кўрдим. “Аммо Муқаддас Рух, ичингиздаги; У гапиради”. Кўряпсизми, “У”. Бу рост. Ҳаммаси тўппа-тўғри. “Олдиндан нима гапираман деб ўйлаб ўтируманглар”.

Раббий... Қайсики... Ўз қулинг Довуд орқали нима дегансан: “Миллатлар нега исён кўтаряптилар? Ҳалқлар нега беҳуда қасд қилмоқдалар?”

Дунё подиоҳлари ва ҳукмдорлари бош кўтариб, Худованд ва Унинг Масиҳига қарши тил бириктирилар”.

Ҳақиқатдан ҳам, Ҳирод билан Понтий Пилат бу шаҳарда Исройл ҳалқи ва бошқа ҳалқлар билан тил бириктириб, Сен Масих деб тайинлаган аизу Муқаддас Ўғлонинг Исога қарши қўл кўтаришиди.

Сен Ўз қудратинг ва хоҳишинг билан аввалдан белгиланган ишларнинг ҳаммасини бажарииди.

О, бу менга ёқади! “Раббий, Сен улар шундай қилади, деган эдинг, ва улар шундай қилаяптилар”. Библия нима дейди?

Охирги кунларда биронни устидан кулувчилар, ўзига бино қўйганлар, кибр-ҳаволилар, Худодан кўра айи-ишратни яхии қўрадилганлар пайдо бўладилар;

... муросасиз, тўхматчи, нафсини тиёлмайдиган...

яхии ишларни кўролмайдиганлар,

Ўзларини художўй кўрсатиб, ...лекин инкор кўрсатувчилар.

Улар ҳеч қаҷон у ёққа қўтарилимаган ва “шундан кейин Муқаддас Рух сизга тушади”ни — яъни Қудратни қабул қилмадилар.

Ўзларини художўй кўрсатиб, Илоҳий Қудратни эса рад этадилар. Бундай одалардан узоқлаши.

Мана нимади Муқаддас Рух. Кўряпсизми?

...нималар бўлиши тақдир этилган бўлса.

... энди, ё Раббий, уларнинг дўй-пўнисаларига қара, Сенинг Сўзингни тўла жасорат билан айтиши қувватини шу қулларингга эҳсон айла,

О, бу менга ёқади! Бу юмшоқ тогайни сугуриб олиб, ўрнига умуртқа қўйиш керак. Энди бу ёққа қаранг.

...Сени Сўзингни тўла жасорат билан айтиши...

Шунда Сен Исо Исми билан шифо берии учун...

О, биродарим менинг! Жинлар ўлмайди, аммо Муқаддас Рух ҳам ўлмайди. Тушундингизми?

...шифо берии учун... Азиз Ўғлонинг Исо Исми билан одамларга шифо берии ва турли аломатлар мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!

Энди кўрдингизми, нима сабабдан ўшалар (ўша жинлар) шундай асабий бўлдилар ва шовқин қилдилар, шундай эмасми? Улар бугун ҳам худди шундай қилишади, аммо уларга бундан ҳеч қандай фойда йўқ.

Ва ибодат қилиб бўлгач, улар йигилиб турган жой силкиниб кетди.

Ҳаммалари Муқаддас Рухга тўлиб, Худонинг сўзини жасорат билан гапира бошладилар.

¹²³ Ана бунисига қойил! Улар ўша ерда йигилган вақтда нимадир олдилар, шундай

эмасми? Ваъданি айтиши бўйича бу Муқаддас Рух сизга жасорат бериш учун, сизга юпандар бериш учун, сизни муҳрлаш, сизга белги қўйиш учун берилган Муқаддас Руҳдир. О, менинг Раббим!

¹²⁴ Эшитинглар. О, агар бизда вақтимиз бўлганида эди, унда биз Филипп билан бирга самарияликларда бўлар эдик. Ҳаворийлар 8:14, белгилаётганлар учун. Улар катта хурсандчилик олдилар, уларда буюк шифолар бўлганди, ва улар Исо Масих Исмидан имонга келгандилар. Улар Пётр келсин деб, Қуддусга одам юбордилар; у келди ва уларга кўлларини қўйди, ва улар Муқаддас Руҳни олдилар. Ҳаворийлар 8:14.

¹²⁵ У ерда мажусийлар ичида Корнилий деган бир одам бор эди. У ажойиб одам эди, ўн улуш берар, одамлар учун Синагога қурган эди, Худони ҳурмат қиласиган эди; яхши инсон, яхши пресвитериан, методист, баптист ёки яна қандайдир бир бошқа жуда яхши одам эди. Бироқ бир куни Худо унга: “Яхши одам; хуллас, Мен уни йиғилишга юбораман. У ерда Менинг воизим бўлади ва у унга Бу тўғрисида айтиб беради”, — деди. Яхши.

Хуллас, у ваҳий кўрди, деди: “Яффага бор ва у ерда Симонни топасан, у кўнчи одам. Симон Пётр ҳам ўша ерда. Уни олдингга чақиртириб, бу ерга; у сенга йўл ҳақида айтиб беради, чунки у бир нарса олди”.

¹²⁶ Ва Пётр у ерда турган эди... Корнилий бу воизни оёқларига йиқилиб сажда қилмоқчи бўлди. Бироқ Пётр: “Тур, мен ҳам бир сен сингари инсонман”, — деди.

“Пётр ҳали бу Сўзни гапириб турганда”, у ерда бошқа қандай ишлар бўлганини ҳақида... Худди, мен сизларга Худо Муқаддас Руҳини ёғдиришини ваъда қилгани ҳақида айтганимдай, гапириб турган вақтида. “У ҳали бу Сўзни гапириб турганда, Каломни эшитаётганларнинг барчасини устига Муқаддас Рух тушди”. Оҳо! Ҳа! Мана нима Муқаддас Рух, У нима учун. Тўппа-тўғри. “Ва улар Муқаддас Руҳга тўлган эдилар”.

¹²⁷ Энди, эътиборингизни қаратинг, у ерда Эфесликлар орасида бир баптист биродар бор эди. Аввалида у қонунчи бўлган эди, ақлли, зиёли одам, қонунни биладиган; буюк одам, олим. Бир куни у Библияни ўқий бошлади ва у ерда у Масих деб номланган бир одам келиши кераклигини кўрди. Ва у бу нарсани кўрганида, у бунинг устига яна бу Исо тўғрисида эшитди ҳам, ва шунда у: “Мен ишонаман, ишончим комил. Ва мен Исо — Худо Ўғли — Масих эканига имонимни очиқ эътироф этаман”, — деди. Ва у буни шунчалик тиришиб эътироф қилганидан, Худо уни хизматга даъват қилди. Худо ҳар доим содиқ юракларга эътибор беради, қарайди.

¹²⁸ У ерда, чодир тикиб юрган Акила ва Прискилла деганлар бор эди, эр-хотин. Улар чодир тикар эдилар. Бу ҳақида сизга Ҳаворийлар 18-боби ҳикоя қиласиди. Улар Павелнинг дўстлари эди. Улар Павел таълимотини эшитиб ва уни қўл қўйиши билан Муқаддас Руҳни қабул қилган эдилар.

Улар у ерда уйгониш йиғилишлари бўлганини эшитишган эди, шу учун улар келишди. У ерда бор-йўғи ўн ёки ўн икки одам эди. Шундай қилиб, у у ерга бу нарсани кўриш учун борди ва у у ерда бу воизнинг бутун юраги билан сидқидилдан ваъз қилганини кўрди. У: “Биласанми, ўйлашимча, мен Ҳақиқатни эшитяпман”, — деди.

Шундай қилиб, йиғилиш тугаган пайтда, у уни чодир панасига чақириб олдида, унга: “Кулоқ сол менга, бизда битта укамиз бор, бўйи бунчагина, яҳудий, қирғий бурун ва мана у келган вақтда, у Худо Каломини аниқроқ ўргатади сенга”, — деди. Мана, тез орада...

¹²⁹ Ўша пайтда Павел зиндонда эди. Замонавий воиз учун жуда қўрқинчли жой, шундай эмасми? Аммо у зиндонда эди, у у ерда Раббийда эди. Шундай қилиб, зиндонни ер силкиниши қимирлатган пайтда, у зиндонбонни ва унинг хонадони олдида, уларнинг ҳаммасини Раббий Исо Исмидан имонга келтирди ва ўзига кетди.

У худди шундан олдин, тақдирни олдиндан айтиб бериб юрган аёлдан, жинни қувган эди. Ва бунинг устига ўша фолчи аёл уларга, хўжайнларига қўп даромад келтирап эди. Шундай қилиб у уларнинг фирибгарлигини фош қилди, шунда улар уни шу иши учун зиндонга солган эдилар. Ва Раббий бу зиндонни титратди, чунки у ерда бир гурух одамлар ундан Ҳақиқатни эшитиш учун кутишаётганди. Сиз Худо Каломини кишанлаёлмайсиз. У

ерда... Аҳамияти йўқ, сиз қилолмайсиз. Сиз бундай қилолмайсиз ҳам.

¹³⁰ Хуллас, у ўша одам бор жойга кетди. Акилла ҳам, Прискила ҳам, мумкин, уларда қанақадир бутербродлари бўлгандир. Бутербродларини еб бўлишлари билан, улар: “Хозир мана шу хушхабарчиларга борамиз”, — дейишди.

Павел орқада, у ерда қўлида плаши билан ўтириди ва ўша баптист воизининг ваъзини эшитди.

У деди: “Сен ваъз қилишинг — жуда яхши, аммо бундан ҳам буюкроғи бор”. Ва қўшиб қўйди: “Доктор Аполлос, мен сизга бир савол бермоқчиман. Сизлар имон келтирганингизда Муқаддас Рухни қабул қилдингизларми?”

“О, — деди у, — биз ҳатто Муқаддас Рух борлигини эшитмадик ҳам. Муқаддас Рух деб нимани тушунасиз? Биз — баптистлармиз”.

У сўради: “Баптист эканлигингизни қаёқдан биласизлар?” Кўряпсизми?

“Э-э, биз имонга кирган эдик. Бизлар фақат Яхё пайғамбарнинг таълимоти асосида чўмилиб имон келтирганмиз”.

У деди: “У халқни чўмилтириб, фақат тавба қилдирган эди. У халққа: Мендан кейин келадиган Зотга, яъни Исо Масихга ишонинглар, деб айтган эди”.

У бу гапни эшитгандан кейин, уларни Исо Масих Исмидан ҳам чўмдириб имон келтиридилар. Павел қўлларини уларнинг бошига қўйиши билан Муқаддас Рух уларнинг устига тушиб келди. Улар бошқа-бошқа тилларда гапириб, каромат қила бошладилар. “У кимники чақирмасин”, — дейилгани, мана.

¹³¹ Шундай қилиб, биз буни қандай қиламиз? Мен сизга бир нарса демоқчиман, кейин мен... Биз тугатамиз, чунки мен сизни эртароқ қўйвораман деган эдим. Сизлар биласиз, Муқаддас Рух нима эканини. Ва бугун оқшом Ёзувдан охирги оят... Бу ерда менда яна бир нечтаси бор, лекин бизга уларни ўтказиб юборишга тўғри келади. Келинг, Коринфликларга Биринчи 12 га қарайлик. Шуни ўқиб, кейин тугатамиз. Яхши. Биринчи Коринфликларга 12-боб.

Сизлардан ким Павел таълимотига ишонади? (Йиғилиш: “Омин”, — деди. — Тахр.) Албатта! Галатияликларга Мактуб 1:8 да у бундай деган эди: “Агар ҳатто осмондан бирор фаришта келиб, бошқа бир “хушхабар”ни ўргатса, лаънати бўлсин”. Кўрдингизми, бу билан ҳеч қандай алоқада бўлманг.

¹³² Диққат билан қаранг, Биринчи Коринфликларга 12. Сизлардан ким билади, Тирилишга кириш учун, бизлар Масихда бўлишимиз кераклигини? Чунки Худо айнан Унинг Танасини турғазишини ваъда берган эди. (Йиғилиш: “Омин”, деди. — Тахр.) Бошқа йўл йўқ. Агар сиз Масихдан ташқарида бўлсангиз, бошқа йўл йўқ.

Сен, эҳтимол бунга қарайсан ва Унга ишонасан-да: “Албатта, мен Унга ишонаман. У Худонинг Ўғли”, — дерсан. Яхши, биродарим мени, бу сўзларинг учун мен сени қўлларингни қисишига тайёрман. “Мен Унга ишонаман. Мен уни Ўз Нажоткорим деб икror бўламан”. Бу яхши, аммо сен ҳали бери Унда эмассан. “Мен пасторнинг қўлларини сиқаман, мен гуноҳларимни эътироф этаман”. Бу ҳали Унда эмас.

¹³³ Диққат қилиб қаранглар, Павел сизга Масихга қандай киришни нима деб айтган. Сен қандай қилиб суннати деб тан олинасан? Иброҳим уларга белги берди. Энди эшитинглар, Биринчи Коринфликларга 12-боб, ва келинг, 12-оятдан бошлаймиз.

Бир баданда кўп узв бор. Баданинг узвлари кўп бўлса-да, улар бир баданини ташкил этади. Масих жамоати ҳам шундайдир. (Бўлинмаган. “Битта!”)

Эшитинглар. “Битта черков билан”? Ким мен билан бирга ўқияпти? “Битта қўл қисиши билан”? “Битта сув билан”? Йўқ. Агар шундай бўлса, унда кимдир хато қилди.

“Битта Рух билан!” Бу бош ҳарф биланми? Тўппа-тўғри, унда бу Муқаддас Рух. Кўрдингизми?

Биз ким бўлишишимиздан қатъи назар — яхудийми, юнонми, қулми, эркинми — ҳаммамиз бир бадан бўлиши учун ўша битта Рухга чўмганимиз ва ҳаммамиз ўша битта Рухдан ичганимиз.

¹³⁴ Масих Танаси бу битта Рухдир, унда Элликчилардан то шу вақтгача ҳар бир узв худди ўша натижаларни бериб, худди ўша янги Вино билан тўйғазилган, худди ўша

Муқаддас Рух билан. Биз буни қандай қиласыз? “Битта Рух билан”.

Бу Илохий очиқ эшик, Муқаддас Рух. Нима Бу? Бу Худонинг очиқ эшиги. Бу белгি. Бу мұхр. Бу Юпатувчи. Бу Ҳимоячи. Бу гарантия. Бу ором. Бу тинчлик. Бу әзгулик. Бу шифоланиш. Бу Ҳаёт. Бу — буларнинг барчаси учун Худонинг очиқ эшиги. Бу Худонинг Масихға очиқ эшиги-ки, унда...

Худо исбот қилди-ки, у Исони ўлуклардан турғазди, ва Масихда ўлғанларни ҳам У билан бирга Тирилишга келтиради. “Нажот кунигача Масихға мұхрланган Муқаддас Рұхни хафа құлманглар”. Охо! Сизлардан ким бунга ишонади? (Йиғилиш: “Омин”, деди. — Тахр.)

¹³⁵ ¹³⁵ Масих Кім? Муқаддас Рұх нима? Бунинг устидан кулмайдилар. Одамлар бунинг устидан куладилар, аммо бу имонли одамлар учун кулгули ҳисобланмайды.

Аммо имонсиз одамлар учун! Мен иккі ёки уч ҳафта вақтим бўлишини истардим, мен эртага кечқурун Бу имонсизлар учун нима эканлигини айтиб бермоқчи эдим. Менга бир дақиқача тез-тез айтишимга беринглар. Бу — масхара нарса. Бу — тузоқ. Бу — тўсиқ тоши. Бу — ўлим. Бу — Худодан абадий айрилиқ. Бу имонсиз одам учун нима эканлигини ўйлашни ҳам истамайман!

¹³⁶ ¹³⁶ Эсингизда бўлсин, худди ўша ёмғир, имонсизлар устидан кулган ўша ёмғир, бу Нуҳ ва унинг хонадонини күтқарган худди ўша ёмғир эди. Кўрдингизми? Одамлар устидан кулиб ва “тентаклар, винтчалар, ақлдан озғанлар” деяётган худди Ўша Рұх, Муқаддас Рұх, Бу Черковни Оладиган ва Уни охирги кунларда кўтарадиган Бунинг Ўзидир; имонсизларга жазо ёғдиради. Бу тўппа-тўғри. Мана нима, Муқаддас Рұх.

¹³⁷ ¹³⁷ Дуолидирлар ўша... Мен буни сидқидилдан айттоламан. Унга очу чанқоқлар баҳтлидир, чунки улар тўйдириладилар.

¹³⁸ ¹³⁸ Эртага кечқурун биз У келган вақтида, қандай ва нималар қилиши ҳақида гапирмоқчимиз

¹³⁹ ¹³⁹ Шу ердагилардан кимлар Муқаддас Рұхни олишни истар эди ва у шу Нурни кўриши учун, ибодат қилишларини хохлайди?

Сиз “Бу нима” эканини биласиз.

Шундай қилиб, эрта кечқурун бизлар “Уни нималар қилишини” гапирмоқчимиз.

¹⁴⁰ ¹⁴⁰ Ва ундан кейин кейинги оқшом — “Уни қандай олиш”ни. Кейин биз келишларингизни таклиф қиласыз, бу ерда ўргатилган одамлар бўладилар ва тўғри ўша хоналарга юборадилар ва у ерда агар бу ҳатто бутун Рождество байрамини олса ҳам, бўладилар — бу яхши, токи Муқаддас Рұх келмагунича. Биз Бунга соғлом библиявий асосда эргашмоқчимиз. Биз Бунга эришмоқчимиз ва Уни олмоқчимиз, худди Уни Худо ваъда этгани ва У бошда тушгани каби. Мана шу йўл билан биз буни қиласыз. Мен... Ким нима дейди, фарқи йўқ, биз...

Худо Каломи... менинг юрагимда энг устунликка эга. Бу рост. Худонинг мен учун нималари бўлса, мен ҳам шуларни истайман. Агар бирор нарса бўлса ҳали, Раббий, Осмонларни очиб юбор, чунки менинг — менинг юрагим бу учун очиқ. Бу рост.

¹⁴¹ ¹⁴¹ Сизлардан ким Буни истайди? Энди қўлингни кўтар ва: “Мен учун ибодат қилинг”, — деб айт. Энди эса, қўлларингизни кўтарган холда туринглар.

Самовий Ота, биз узок ўргатдик. Аммо Сенинг Рұхинг шу ерда. Мана бу кўтарилигандан қўллар. Ва улар биладилар, Буни нималигини, Муқаддас Рұх нима демаклигини. Худойим, бу йиғилиш тугашидан олдин, бу қўллари кўтарилигандарнинг барчаси, Уни олишларини мен ёлвораман. Раббий, шунга етказ бизларни, бер бизларга.

¹⁴² ¹⁴² Биз улар учун илтижо қиласыз. Бизлар Сендан уларни дуо қилишингни сўраймиз. Раббий, уларнинг қўлларига назар ташла. Улар Сени севадилар. Улар Буни истайдилар. Улар биладилар,... боролмасликларини. Эртага кечқурун, агар Сен менга ёрдам берсанг, Раббий, улар Бусиз Олинишга киролмасликларини, биз Ёзув билан исботлаймиз. Шундай қилиб, Ота уларга Сен бунга чанқоқлик ва очликни беришингни сўрайман, улар тўла олинишлари учун. Ота, мен уларни Сенга бераман. Ва бу дуоларни уларга бергин, бизлар буни ҳақида Исо Исми ҳақи сўраймиз. Омин.

Уни севаман, Уни севаман,

У мени олдин севди
Ва Гўлготада гуноҳимни ювиб,
Менга нажот берди.

¹⁴³ Яна куйлашимиз олдидан, мен мана нима демоқчиман. Жума куни кечқурун мен бу хонада, бу ерда хизматчилар билан учрашишни хохлайман, йиғилиш олдидан, жума кечқурун. Мен...

Сиз кўряпсизми, мен нима қилмоқчиман? Буни нималигини, Бунга қандай етишишни ва ҳурмат қилишни кўрсатмоқчимиз, ўшанда сиз тушунмаган ҳолда келмайсизлар, бирор нимага туртилиб кетмаслик учун. Мана нима учун мен бугун бу тўғрисида сўрамадим. Мен Буни нима эканини сизлар билишингизни истайман. Бу — қилинган ваъда. Бу — муҳр. Бу — Юпатувчи. Ундан ҳам ортиқ Бу.

Кейин эрта кечқурун ва эртадан кейин кечқурун биз ўша моментни ўзидан бошлаймиз ва токи У келмагунича. Аҳамияти йўқ, бу қанча вақтни олади; биз ўша вақтгача турамиз. Юракларингизни тозаланглар. У ҳеч қачон буни нопок юракка солмайди. Тузалгин, тайёр бўл, ва У Буни беради.

Уни севаман, Уни севаман (келинг, қўлларимизни кўтарамиз),
У мени олдин севди
Ва Гўлготада гуноҳимни ювиб,
Менга нажот берди.

Пастор ҳам айтган эди, бизлар ҳам эртага кечқурун соат етти-ю ўрнига соат еттида бошлашга розимиз. Ва бу менга сизни тўққиз ярим ўрнига, саккиз яримда қўйворишимга имкон беради. Етти-ю ўт... Эртага кечқурун соат еттида куйлаш хизмати бошланади. Мен ваъзимни етти яримда бошлайман.

Уни севаман,
Келинглар, қўл рўмолчаларимизни чиқарамиз ва Унга силкиймиз.
Уни севаман,
Бу расмиятчиликка мойилликни синдириш учун!
У мени олдин севди
Ва Гўлготада гуноҳимни ювиб,
Менга нажот берди.
Яҳши, энди пасторингиз, Невилл ака.